БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 249 (17.829). • 29 октябрь 1980 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

Л. И. БРЕЖНЕВ МЕНГИСТУ ХАЙЛЕ МАРИАМ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 28 октябрь куни Кремлда Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК) Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Марнам билан дўстона суҳбатлашди.

Ҳар икки томон СССР билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштириш истагини изҳор этди.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи миллий экономикани барпо этиш, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш, фан, маданиятни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш системасини йўлга қўйиш соҳасида Эфиопия халқига бундан буён ҳам ёрдам беради, деди.

Суҳбат замонамизнинг актуал масалалари юзасидан ҳар иккала мамлакатнинг нуқтаи назарлари бир хил эканлигини, жаҳоннинг турли районларидаги вазиятга ёндашиш муштараклигини тасдиқлади.

Л. И. Брежнев билан Менгисту Хайле Мариам музокараларининг боришидан мамнун эканликларини изҳор этиб, бу музокаралар Совет—Эфиопия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун яхши омил бўлиб хизмат қилади, халқаро майдонда биргаликда иш кўриш учун янги истиқболлар очиш имконини беради, деб таъкидладилар.

(ТАСС).

СОВЕТ—ЭФИОПИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

27 октябрда Кремлда Совет — Эфиопия музокаралари бошланди.

Музокараларни:

Совет томонидан— КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков;

Эфиопия томонидан— Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК) Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Марнам, МҲМК Доимий Комитетининг ва ЭМПТК Ижроия Комитетининг аъзоси, миллий мудофаа министри, бригада генерали Тесфайе Гебре Кидан, МҲМК Доимий Комитетининг ва ЭМПТК Ижроия Комитетининг аъзоси, ЭМПТК халқаро бўлимининг мудири Берхану Байе, МҲМК Доимий Комитетининг ва ЭМПТК Ижроия Комитетининг аъзоси, Умуммиллий революцион тараққиёт ва марказий планлаштириш кампаниясини ўтказиш олий кенгаши раисининг ўринбосари Аддис Тедла олиб бормоқдалар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар давомида Совет—Эфиопия муносабатларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг асосий масалалари юзасидан фикрлашиб олинди. Иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни узлуксиз ривожлантириш тинчлик, озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашда барча тараққиқипарвар кучларнинг бирлигини таъминлашга ҳисса бўлиб қўшилишини ҳамда Совет ва Эфиопия халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушишини томонлар таъкидлаб ўтишди.

Учрашувларимиз мунтазам равишда ўтадиган бўлиб қолди, деб таъкидлади Л. И. Брежнев. Бу учрашувлар Совет — Эфиопия муносабатларининг мустаҳкам ва дўстона характерини тасдиқлайди. Иқтисодий ҳамкорлик суръатлари тезлашмоқда. Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома негизида муваффақиятли ривожланмоқда. Л. И. Брежнев партиявий йўл билан қилинаётган ҳамкорлик тўғрисида гапириб, Эфиопия революцияси ривожининг қонуниятли натижаси сифатида Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) тузилганини табриклади ҳамда партия қурилиши масалалари соҳасидаги ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантиришга тайёрлик изҳор этди.

Менгисту Хайле Мариам эфиоп халқининг революцион ғалабаларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашда, иқтисодий ва маданий қурилиш программасини амалга оширишда беғараз интернационал ёрдам ва мадад берганлиги учун СССР ҳукумати билан совет халқига астойдил миннатдорчилик изҳор этди. У Социалистик Эфиопия билан СССР ўртасидаги, ЭМПТК билан КПСС ўртасидаги кенг алоқаларни янада ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятини таъкидлади.

Актуал халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида ҳар иккала томон империалистик ва гегемончи кучлар халқаро вазиятни кескинлаштиришга, кескинликни юмшатишни барбод қилишга, халқларнинг миллий ва социал озодлик йўлидаги одилона кураши ишига халақит беришга уринаётганликларини таъкидлаб ўтди. Томонлар Америка Қўшма Штатларининг Шарқий Африкада, Ҳинд океани ва Форс кўрфази районида ҳарбий кучларни кўпайтираётганини қораладилар ва бу нарса халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликка, шунингдек мазкур регион мамлакатларининг суверенитети ва мустақиллигига хавф солишини айтдилар.

Л. И. Брежнев билан Менгисту Хайле Марнам СССР билан Социалистик Эфиопиянинг Африка мўғузида шу райондаги барча давлатларнинг суверенитетни, территориал бутунликни, бир-бирининг ички ишларига аралашмасликни ўзаро ҳурмат қилиши ҳамда территория даъво қилишдан воз кечиши асосида ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничилик муҳитини вужудга келтиришга қаратилган изчил йўлини тасдиқладилар.

* * *

28 октябрь куни Кремлда Совет-Эфиопия музокаралари тугалланди.

Музокараларни Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи—мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков;

Эфиопия томонидан —Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК) Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Марнам, МҲМК Доимий Комитетининг ва ЭМПТК Ижроия Комитетининг аъзоси, миллий мудофаа министри, бригада генерали Тесфайе Гебре Кидан, МҲМК Доимий Комитетининг ва ЭМПТК Ижроия Комитетининг аъзоси, ЭМПТК халқаро бўлимининг мудири Берхану Байе, МҲМК Доимий Комитетининг ва ЭМПТК Ижроия Комитетининг аъзоси, Умуммиллий революцион тараққиёт ва марказий планлаштириш кампаниясини ўтказиш олий кенгаши раисининг ўринбосари Аддис Тедла олиб бордилар.

Музокаралар вақтида Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги дўстона муносабатларни янада кенгайтиришнинг асосий йўналишлари конкретлаштириб олинди. Совет-Эфиопия иқтисодий ҳамкорлиги масалаларини кўриб чиқишга катта эътибор берилди.

Баъзи бир халқаро масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди. Иккала томон уруш хавфи кучайишига қарши, низолли масалалар тинч сиёсий йўл билан ҳал этилиши учун, кескинликни юмшатишни халқаро турмушнинг барқарор тенденциясига айлантириш учун актив курашиш зарурлигини яқдиллик билан билдирдилар.

Музокаралар дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди. (ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА ЭФИОПИЯНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

27 октябрь куни Кремлда Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК) Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Мариам КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Эфиопиянинг олий мукофоти — «Социалистик Эфиопиянинг Ҳурмат юлдузи» орденини топширди.

Мукофотни топшириш вақтида совет томонидан Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар, бошқа расмий кишилар; Эфиопия томонидан Менгисту Хайле Мариамнинг сафарида ҳамроҳ бўлиб келган давлат арбоблари қозир бўлдилар.

Мукофотни топшириш вақтида ўртоқ Менгисту Хайле Мариам нутқ сўзлади.

Ўртоқ МЕНГИСТУ ХАЙЛЕ МАРИАМ нутқи

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Улуғ Ленин партияси раҳбарлигида қилинган Улуғ Октябрь социалистик революцияси планетамизнинг қиёфасини ўзгартирди, эркинлик, тенглик, тинчлик ва социализм тантанаси даврига, шунингдек инсон инсонни эксплуатация қилишни тугатишга асос солди. Мазлум оммаларнинг байроғи бўлиб қолган бу революция империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка, ирқчиликка қарши, умуман эксплуатацияга қарши биргаликда курашишнинг янги даврини очди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси эксплуататорлик муносабатларининг бутун системасини ларзага солди, бутун дунёдаги революцион ҳаракатга илҳом берди ҳамда кўп миллионлаб кишиларнинг тинч ва бахтли турмуши учун шароит яратди. Дунё тарихининг энг муҳим воқеаси бўлган Улуғ Октябрь тинчлик ва озодликни қадрловчи барча кишиларнинг хотирасидан асло ўчмайди.

Леонид Ильич Брежнев, Сиз улуғ революциянинг фарзанди бўлиб, ёшлик чоғингизданоқ турли лавозимларда ўз халқингизга хизмат қилдингиз. Сизнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимидаги кўп йиллик фаолиятингиз, Сизнинг давлат арбобига хос буюк қобилиятларингиз, билимларингиз, сиёсий истиқболни кўра билишингиз ва мардлигингиз, коммунист сифатида Совет Иттифоқининг халқлари бахт-саодати учунгина эмас, шу билан бирга бутун дунё меҳнаткашларининг бахт-саодати йўлида, Ер юзида тинчлик учун тинимсиз ва изчил курашингиз ҳаммага маълум.

Сиз орқали биз Эфиопия революцияси учун энг қийин даврда унга ўз вақтида ва ҳал қилувчи ёрдам берган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, ҳукуматига ва халқига астойдил миннатдорчилик ҳамда ташаккур изҳор этамиз.

Эфиопия ҳукумати ва халқи мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, Сизни олий орден — «Социалистик Эфиопиянинг Ҳурмат юлдузи» билан мукофотлашга қарор қилдилар.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, улуғ совет халқининг атоқли раҳбари бўлган Сизга Эфиопия ҳукумати ва халқи номидан шу юксак мукофотни топширишдек катта шарафга муяссар бўлганлигим муносабати билан революцион ифтихор туйғусига тўлиб-тошмоқдаман.

* * *

Сўнгра ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқ Менгисту!

Азиз дўстлар!

«Социалистик Эфиопиянинг Ҳурмат юлдузи»ни қабул қилар эканман, менга кўрсатилган шараф учун Социалистик Эфиопия раҳбарларига ва шахсан Сиз, ўртоқ Менгистага ташаккур айтмоқчиман.

Мен бу мукофотни мамлакатларимиз ўртасидаги бузилмас дўстлик белгиси деб ҳисоблайман ва уни бутун совет халқига, унинг авангарди — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига берилган мукофот деб биламан.

Улуғ Ленин васиятларига муттасил амал қилиб келаётган совет кишилари империализмга ва реакцияга қарши қатъият билан курашаётган, илғор социал-иқтисодий ўзгартишлар йўлидан дадил бораётган кучлар тарафида бўлиб келдилар ва ҳамиша уларнинг тарафида бўладилар. Фақат мана шундай позиция тинчлик, демократия, бутун инсониятнинг тараққиёти манфаатларига мос бўлиб тушади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кун сайин тобора чуқурлашиб бораётганини, жуда турли соҳаларда янги конкрет ишлар билан бойиб бораётганини англаш қувончлидир. Ҳозир сизларнинг мамлакатингизда кўпгина совет инженерлари, муаллимлари, врачлари, геологлари, бошқа мутахассислари меҳнат қилмоқдалар. Дўст Эфиопиядан келган юзлаб йигит ва қизлар эса Москва ва бошқа шаҳарларимизнинг олий ўқув юртларида илм олмоқдалар. Биз бир-биримизни тобора яхшироқ билиб олаяпмиз. Шу туфайли дўстлигимиз тобора мустаҳкамланмоқда.

Халқаро проблемаларга, шу жумладан Африка проблемаларига ёндашишда иккалан ўтказамиз.

Совет Иттифоқи билан Эфиопиянинг дўстона муносабатлари эндиликда тинчликнинг таъсирчан омили бўлиб қолди, десак тўғри бўлади, деб ўйлайман. Бу муносабатлар халқларимизнинг манфаатларига яхши хизмат қилмоқда. Биз бундан буён ҳам шундай бўлавериши учун ҳамма зарур ишни қиламиз.

Фахрли мукофот учун яна бир бор раҳмат.

* * *

Совет Иттифоқи ва Социалистик Эфиопиянинг партия ҳамда давлат раҳбарлари Леонид Ильич Брежневни Социалистик Эфиопиянинг олий мукофоти топширилиши билан астойдил табрикладилар, иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва бирдамликни кучайтириш, бутун дунёда мустаҳкам тинчликни таъминлаш манфаатлари йўлидаги кўп қиррали фаолиятида унга янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар. (ТАСС).

Мукофотларни топшириш пайти. А. Пахомов фотоси («Правда»).

Ўртоқ Менгисту Хайле Мариамга совет мукофоти топширилди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 28 октябрь куни Кремлда Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК) Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Мариамга Октябрь Революцияси орденини топширди.

Мукофотни топшириш вақтида Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Эфиопия томонидан сафарда Менгисту Хайле Мариамга ҳамроҳ бўлган давлат арбоблари иштирок этдилар.

Мукофотлаш маросимида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам ўртоқлар!

Бугун биз бу ерга азиз меҳмонимиз, Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси Раиси ўртоқ Менгисту Хайле Мариамга Октябрь Революцияси орденини топшириш учун йиғилдик.

Баъзи бир халқаро масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди. Иккала томон уруш хавфи кучайишига қарши, низолли масалалар тинч сиёсий йўл билан ҳал этилиши учун, кескинликни юмшатишни халқаро турмушнинг барқарор тенденциясига айлантириш учун актив курашиш зарурлигини яқдиллик билан билдирдилар.

Музокаралар дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди. (ТАСС).

У империализм ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашдаги хизматлари учун, Совет—Эфиопия ҳар томонлама муносабатларини ривожлантиришга, Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Ўртоқ Менгисту, халқ революциясини ғалабага олиб келиш учун Сиздан ва сафдошларингиздан нақадар фидокорлик, мардлик, матонат талаб қилинганлигини биламиз.

Янги ҳаёт учун кураш ички реакцияга қарши, шунингдек ташқи душманларга қарши қийин жанглар билан олиб борилди. Бинобарин, совет кишилари курашингизни ҳамиша чуқур ҳайриҳоҳлик билан кузатиб бордилар, эришган муваффақиятларингиздан қувондилар.

Революциянгиз юксалиб бормоқда. Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг тузилиши революциянинг тақдири учун тарихий аҳамиятга эга. Оммани жипслаштириш, илмий социализм ғояларини ёйиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — буюк бир ишдир, албатта.

(Давоми иккинчи бетда)

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОЦИАЛИСТИК ЭФИОПИЯ МУВАҚҚАТ ҲАРБИЙ МАЪМУРИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ МЕНГИСТУ ХАЙЛЕ МАРИАМНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Империализм ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик ва тараққиёт учун курашдаги хизматлари, ҳар томонлама Совет—Эфиопия муносабатларини ривожлантиришга, Социалистик Эфиопия билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг Раиси **Менгисту Хайле Мариам Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил 27 октябрь.

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

«Адолат ва тинчлик йўлидаги дўстлик ва ҳамкорлик» ҳужжат ва материаллар тўплами чоп этилди. Бу тўплам Араб Социалистик уйғониш партияси Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асаднинг 1980 йил 8-10 октябрда Совет Иттифоқига қилган визитига бағишланган.

Л. И. Брежнев ва Ҳафиз Асад ўртоқларнинг сўзлаган нутқлари, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Сурия Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, Совет—Сурия қўшма ахборот ва бошқа материаллар тўпламга киритилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти нашр этди.

(ТАСС).

Қувасойда Ильич ҳайкали

ҚУВАСОЙ (Фарғона области), 28 октябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда В. И. Ленин ҳайкали тантанали равишда очилди. Шаҳарнинг пролетар революцияси доҳийси номи билан аталган янги майдонида кўп кишилик митинг бўлди.

Митингда партия ва меҳнат ветерандари, шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг вакиллари ва атроф хўжаликларининг пахтакорлари қатнашдилар. Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Х. Умаров митингни очди.

Совет Иттифоқи гимнининг садолари остида ҳайкал устидаги парда туширилди ва Ильичнинг мармар супага ўрнатилган беш метрли монументал гавдаси йиғилиш аҳлига намоён бўлади. Ҳайкалтарош Ф. И. Гришченко, архитекторлар А. Шокиров ва Ҳ. Убайдуллаев ҳайкал авторларидир.

Митингда сўзга чиққан В. И. Ленин номли мактабнинг педагоги Р. И. Филякшина, 14-ишт заводи бошқармасининг ишчиси, Давлат мукофотининг лауреати Н. Саидов, Қувасой шаҳар комсомол комитетининг секретари М. Муротова, меҳнат ветерани Т. Туломов, шоир А. Ҳамдамов, Қувасой шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Раҳматов Ленин ўлмас ғояларининг тантанаси тўғрисида, мамлакатимиз халқларининг ягона қардош оиласидаги Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқларида қўйилган вазифаларни канда қилиб муваффақиятли бажараётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қатнашди.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг меҳнат коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йиллик планнинг асосий кўрсаткичларини муддатидан илгари бажардилар: 3 миллиард 26 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, 3 миллиард 72 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, қурилиш-монтаж ишлари плани 263 миллион сўмлик ва пудрат ишлари плани 66 миллион сўмлик ошириб адо этилди.

Мелиорация системаларининг умумий узунлиги 1,9 минг километр ошди. Суғориладиган ерларнинг 10 процентга яқин қисми прогрессив вертикал дренаж ёрдамида мелиорациялаштирилмоқда.

210 минг гектар янги суғориладиган ер фойдаланишга топширилди, 455 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, илгаридан экин экиб келинган 270 минг гектар майдон яхшилаб текисланди. Чорвачиликнинг озуқа базасини вужудга келтириш борасидаги ишлар кенг кўламда амалга оширилмоқда.

(ЎзТАГ).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 28 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун— бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	0,33	111,72	0,31	109,52
БУХОРО	0,42	111,34	0,50	83,55
ҚАШҚАДАРЁ	0,27	108,18	0,28	97,66
САМАРҚАНД	1,20	107,79	1,75	91,62
СУРХОНДАРЁ	0,50	105,74	0,45	96,35
ЖИЗЗАХ	0,49	104,77	0,22	109,20
СИРДАРЁ	0,64	103,14	0,38	104,01
ХОРАЗМ	0,88	100,93	1,15	96,39
ҚҚАССР	1,27	98,87	1,53	93,37
Фарғона	0,90	95,11	0,82	82,75
Андижон	1,08	93,04	1,06	73,87
Наманган	1,00	90,49	1,12	76,01
Республика бўйича:	0,74	100,96	0,81	94,30
Шу жумладан энгичка толали пахта				
Сурхондарё	0,86	95,72	1,15	83,30
Бухоро	1,91	90,17	3,26	60,37
Қашқадарё	0,69	87,18	0,71	66,68
Наманган	1,11	66,82	—	15,34
Республика бўйича:	0,91	91,98	[illegible]	74,34

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 27 октябрь куни Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг Раиси Менгисту Хайле Мариам шарафига катта Кремль саройида зиёфат бердилар.

Зиёфатда Менгисту Хайле Мариам билан бирга учнинг сафарида ҳамроҳлик қилаётган Эфиопия давлат арбоблари бор эдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Менгисту!

Ўртоқлар, дўстлар!

Биз Социалистик Эфиопия бошлиғи билан, эфиопиялик дўстларимиз билан яна учрашганлигимиздан астойдил хурсандмиз. Бу учрашув мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстликни ривожлантиришда сезиларли босқич бўлиб қолиши шубҳасиз. Ўзаро самимият ва ишонч билан ниҳонланган бугунги музокараларнинг ўзиёқ ана шу қатъий фикрни тасдиқлаб турибди.

Эндиликда Совет — Эфиопия ҳамкорлиги ижтимоий ҳаётнинг барча энг муҳим соҳаларини — сиёсат, экономика, маданиятни қамраб олмоқда. Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида бундан икки йил муқаддам шу ерда, Кремлда имзоланган шартноманинг ҳар бир моддаси тобора бой мазмун билан тўлиб бормоқда.

Бу ҳаммага маълум ҳақиқатки: мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлларини ҳурмат қилиш, бирдамлик каби принциплар асосига қурилганида иш олга силжишидан иборат ҳақиқатни яна бир бор тасдиқламоқда.

Эфиопия — Африкадаги энг қадимий мамлакатлардан бири. Унинг ёрқин маданияти Африкадан олис жойларда ҳам машҳур. Бугунги кунда эса Эфиопия халқи жамиятни революцион тарзда ўзгартириш масалаларида ўз сўзини айтмоқда.

Эгизакдек бир-бирига ўхшаш революциялар йўқ. Тарихий анъаналарнинг, вазиятнинг, ижтимоий кучлар нисбатининг ўзига хослиги революцион ишни ҳамиша ниҳоят даражада мураккаб, ниҳоятда жараёнга айлантиради. Буни биз Эфиопия мисолида ҳам кўриб турибмиз.

Эфиопиялик ўртоқлар шуғулланаётган проблемалар тўғрисида, мамлакатдаги чуқур социал ўзгартишлар ҳақида муфассалроқ, билиб олиш биз учун мароқли бўлди.

Бугунги музокараларда халқаро ишларнинг аҳволи ҳам муҳокама қилинди. Биз ҳали ҳам осойишталик ва тотувликдан йироқ бўлган ўзгариб турувчи дунёда яшамоқдамиз. Шуниси қувончлики, Москва билан Аддис-Абеба принципиал ҳодисаларга бир хилда қарамоқда.

Халқаро майдонда кескинликнинг хатарли манбалари бор. Булар ўзига хос миналаштирилган зоналар бўлиб, бунда икки карра, уч карра эҳтиёткорлик қилиш керак.

Мен АҚШдаги ёмон одат муносабати билан шу ҳақда гапиряпман: бир нима бўлди дегунча флотлар у жойдан бу жойга кўчирилади, вазминлик даркор бўлган жойда ҳарбий активлик кучайтирилади. Эронда революция бўлганида флот унинг сохилларига юборилди, унинг яқинида янги базаларни қўлга киритишга уриниб кўришмоқда. Эрон билан Ироқ ўртасида можаро миқёсида Форс қўрфазига яна кемалар юборишиб, базалар тўғрисида ундан ҳам баттароқ қуйиб пишмоқдалар. Хулоса: ҳар гал қўпол тазйиқ ва дўқ-пўписадан нарига ўтилмаяпти. Бу эса кескинликни кучайтиради холос.

Айтилаётганидек, агарда ҳақиқатан ҳам ғоят муҳим денгиз коммуникацияларининг, шу жумладан Ормуз бўғозининг бехатарлиги хусусида хавфсираш мавжуд экан, у ҳолда бундай хавфсизликни таъминлашнинг реал йўли бор. Бу йўл шу йил май ойида Варшава Шартномаси ташкилоти Сиёсий Маслаҳат Комитетининг кенгашида белгилаб берилди. Социалистик мамлакатлар ҳеч қандай тўқнашиклиги денгизда кема қатновларифодиридирлар. Шу боисдан ҳам улар муҳим денгиз йўллари ўтадиган жойларда ҳарбий активлик пасайтирилиши ва чекланишини таклиф этмоқдалар. Мазкур таклифлар ҳозирги пайтда алоҳида актуал аҳамиятга эгадир.

Бизнинг сиёсатимиз ақлидрок ва ҳолис ниятга асосланиб келди ва асосланмоқда. Биз бехуда жиззакиликка берилмаймиз ва ҳамиша кескинликни юмшатиш ҳамда тинчлик манфаатларини кўзлаб, астойдил куч-ғайрат сарфлашга тайёрмиз.

Ниҳоят, Европада ядро қуроли билан қуролланиш пойгасини чеклашга доир Совет—Америка музокаралари Женевада бошланганлиги факти бизни мамнун қилаётганлигининг боиси мана шунда. Совет Иттифоқи ана шу музокараларнинг муваффақиятли ўтишига кўмаклашади. Кўп нарса Америка томонининг позицияларига боғлиқ бўлади, чунки пировард натижада музокараларнинг якунлари СҚЧ-2 тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш билан боғлиқдир. Бу шартномага Қўшма Штатлар ҳамон тўсқинлик қилиб турибди.

Ўртоқлар! Куни кеча бизнинг мамлакатимизда партия Марказий Комитети Пленуми билан СССР Олий Совети сессиясининг иши ниҳоясига етди. Халқаро масалалар расмий жиҳатдан муҳокама этилгани йўқ, аммо қабул қилинган қарорларнинг маъзи чақиб кўрилса уларда, сўзсиз, ишнинг халқаро томони ҳам мавжуд.

Биз қайта-қайта шуни таъкидлаймизки, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, уларнинг моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш биз учун ҳозир ва келгусидаги биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу эса мутлақо муайян халқаро снёсатни: мамлакат учун тинч ташқи шароитларни таъминлаш, яъни кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш ва ҳамкорлик йўлини тақозо этади.

Ўз-ўзидан маълумки, бугунги кунда ҳар бир давлатнинг, ҳар қандай қитъанинг тинчликни мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссаси бебаҳодир. Зотан биз бунёдкор-ликка вазифаларини ҳал этишда, тинч халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишда Африка мамлакатларининг бирлиги учун сабот билан курашаётган Социалистик Эфиопиянинг олижаноб ролини таҳ-риклаймиз.

— Ўртоқ Менгисту Хайле Мариам ва Социалистик Эфиопиянинг бошқа раҳбарлари сиҳат-саломатлиги учун!

— Совет — Эфиопия ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиши учун!

— Тинчлик ва социал тараққиёт иши тантана қилаверши учун қадаҳ кўтаришингизни таклиф қиламан.

* * *

Менгисту Хайле Мариам жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ МЕНГИСТУ Хайле Мариам нутқи

Даставвал, деди меҳмон, ўртоқ Брежнев бизнинг революциямизга ва Эфиопия халқига, шунингдек шахсан мен ва Эфиопиянинг бошқа революционерларига ҳамиша ижобий муносабатда бўлиб келаётганлиги учун самимий миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Мен ва ўзим бошчилик қилаётган Эфиопия делегацияси улуғ Москва шаҳрига келгандан кейин қизғин ва қардошларча кутиб олинганлиги совет халқи революцион Эфиопиянинг бутун халқига нисбатан самимий ҳис-туйғуларини изҳор этаётганлигининг ёрқин кўриниши бўлиб, бунинг учун мен астойдил миннатдорман. Сизларни яна ишонтириб айтмоқчиманки, биз Совет Иттифоқида — бутун дунёдаги мазлум омма учун умид машъали бўлиб қолган Ленин ватанида, озодлик тонги отган диёрда бўлишдек қулай имкониятлар мақсадларимиз ва курашимиз бирлигини яна ҳам зўр куч билан таъкидлаш учун фойдаланамиз. Ана шу бирликнинг қимматини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Бизнинг курашимиз сизнинг ҳам курашингиз, бизнинг ғалабамиз эса сизнинг ғалабангиз эканлигини англаш даставвал менда шуни айтиш ниятиёқини уйғотадики, олти йил давом этган ва бир қанча ғалабалар билан якунланган қаттиқ курашдан кейин бизнинг революциямиз ишонч бахш этадиган жиддийлашиш босқичига етди. Ушбу ғалаба халкимиз берган ғоят катта қурбонлар-нинг, шунингдек Совет Иттифоқи каби бизнинг чинакам яқин ва самимий дўстларимиз тезлик билан ўз вақтида кўрсатган интернационалистик ёрдамнинг пировард натижаси эканлигини таъкидлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Мен Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, совет халқи ва ҳукуматига Эфиопия халқлар оммасининг ўртоқлик ва қардошлик саломини, астойдил миннатдорчилигини зўр мамнуният туйғуси билан топшираман. Эфиопия халқлар оммаси ҳозир ўз душманлари устидан жуда яққол устунликка эришди.

Совет халқи билан Эфиопия халқи — тинчлик ишига содиқ бўлган қаҳрамон курашчилардир. Ҳар иккала халқ буюк жасоратлар билан шуҳрат қозонган улкан тарихга эга. Хусусан империализм бизнинг мамлакатимизга қарши 1896 йилда ва 1935 йилда яна уруш бошлаб, биз фашист агрессиясининг қурбони бўлиб қолган вақтда, шунингдек яқинда, империалистлар, босқинчилар ва реакция кучлари революциямизни бўғиб ташлаш мақсадида ўз кучларини бирлаштирганида улуғ халқингиз қўллаб-қувватлаб, бирдам бўлганлиги халқларимиз қадимдан дўст эканлигининг яққол далили бўлиб хизмат қилади.

Аммо феодал режим кишанлари Эфиопия халқининг совет кишиларига нисбатан дўстлик туйғуларини ошкора изҳор этишига ва курашимизнинг муштараклигини намойиш қилишга имкон бермас эди. Ана шу эзгу ҳис-туйғулар пировард натижада бизнинг революциямизда ўз ифодасини топди, бу эса янги руҳда ва янги мақсадларни кўзлаб қурилаётган ҳозирги қардошларча қалин муносабатлар ўрнатилишига олиб келди. Ушбу визит бизнинг анъанавий муносабатларимизни янгилашга ҳисса қўшишига, мана шу муносабатларнинг негизини мустаҳкамлаб, шу тариқа ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга бизнинг ишончимиз комил.

Совет ва Эфиопия халқлари дўстлиги ишига, революциямизни мустаҳкамлашга шахсан ғоят катта ҳисса қўшганлигингиз учун Сизга, Ўртоқ Брежнев, ўзининг бутун ҳаётини коммунизм қуриш ишига, бутун дунёда тинчлик учун, халқларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш, уларнинг равнақ топиши учун курашга бағишлаган Ленин партиясининг муносиб раҳбаринга, Эфиопия халқи ва ҳукуматининг астойдил миннатдорчилиги ва ташаккурини изҳор этаман.

Мен ва шу ерда ҳозир бўлган ўртоқларим Совет Иттифоқида илгари ҳам бўлишган, бироқ ушбу визит Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги арафасида ўтаётганлиги факти ҳаммамиз учун алоҳида қувонч манбаидир. Тарихан қисқа муддат ичида қолоқ аграр мамлакатдан космосни ўзлаштириш даврини бошлаб берган мамлакатга айланган Совет Иттифоқи жабр-зулм ва эксплуатациядан халос бўлиб, тенглик, адолат, тинчлик ва социализм учун кураш йўлига ўтган инсоният қандай ривожланиш кўламларига эриша олишини намойиш қилди. Мана шу ажойиб намуна бизга ва курашаётган бошқа халқларга янги мардлик ва ишонч бахш этади.

Биринчи социалистик мамлакат — Совет Иттифоқи революцияни ҳимоя қилишда ҳам, шунингдек иқтисодий ривожланишда ҳам батамом ўзига умид боғлашга мажбур эди. Аммо Октябрь революциясидан кейин содир бўлган бошқа революциялар шундай бахтга муяссар бўлдиларки, улар Совет Иттифоқининг мададига умид боғлай олар эдилар. Биз алоҳида устунликка эгамиз, деб ҳисоблаймиз, чунки дастлабки ва етакчи революцияларнинг бой тажрибасидан бемалол баҳраманд бўла олиб, социалистик мамлакатлар ва прогрессив кучлар билан иттифоқда тобланяпмиз. Шу боисдан бизнинг ишончимиз комилки, шундай кулай вазиятда туриб у қадар кўп кечикмасдан юксак даражада тараққиётга тезлик билан эриша оламиз. Бундай ишонч революциямиз ҳозирдаёқ эришган ютуқлар билан мустаҳкамлангандир. Ана шу ютуқлар кўп жиҳатдан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланиш, шунингдек улар ҳамкорлиги ва ёрдамининг натижаси бўлди.

Менгисту Хайле Мариам Социалистик Эфиопиянинг янги тузуми эришган муваффақиятларга батафсил тўхталиб ўтди. Ҳозирги вақтда, деди у, халқлар оммаси ўзининг сиёсий онгини ошириш билан банд бўлиб, ўзининг оммавий ташкилотларини мустаҳкамлаб, революцион жараёнда иштирок этмоқда. Бизнинг революциямиз сиёсий соҳада яқинда олга томон тарихий қадам қўйди. Гап Эфиопия меҳнаткашлари партияси ташкилот комиссиясининг биринчи съезди муваффақиятли ўтказилганлиги тўғрисида бормоқда. Съездда тарихий резолюциялар қабул қилинди, тўғри, сиёсий йўналишлар ишлаб чиқилди, ҳозир амалда бўлган устав қоидалари маъқулланди. Узоқ давом этган қуришдан кейин таъсис этилган комиссия ҳозир ўз фаолиятини ошкора ва тўла-тўкис давом олдирмоқда. Меҳнаткашлар партиясини тузиш учун шарт-шароитлар вужудга келтириш бораси бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда, бу эса революциянинг энг муҳим талабидир. Шунинг учун ҳам революцияга партия раҳбарлик қиладиган кун яқин қолди.

Биз партиямизнинг сафларига фақат чинакам ва синалган коммунистлар жалб этилишини таъминламоқ учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилмоқдамиз. Партиянинг ташкил этилиши Эфиопия революциясини ниҳоят даражада мустаҳкамлашига аминмиз. Эфиопия революциясининг муваффақияти йўлида мингларча кишиларнинг жони қурбон бўлган эди.

Бизнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ютуқларимиз нақадар қувончли бўлмасин халқнинг турмуш даражасини ошириш учун ҳали жуда кўп иш қилиш керак. Социалистик Эфиопиянинг 30 миллионли меҳнатсевар халқи ғайрат-шижоати, ғоят катта моддий ресурслари ва амалга оширилган революцион ўзгартишлар Эфиопияни бундан буён ҳам муваффақиятли ривожлантиришнинг гаровидир. Янги жамиятни барпо этиш учун курашда бизнинг дўстларимиз ва хусусан Совет Иттифоқи биз билан бирга бўлишига ишончимиз комил. Чинакам тенглик ва равнақ янги жамиятнинг асосий хусусиятларидир. Дўстларимиз ва Совет Иттифоқининг биз билан бирга бўлиши ўз мақсатимизга эришишда бизга яна ҳам кўпроқ ишонч бахш этади.

Менгисту Хайле Мариам халқаро аҳвол масалаларига тўхталиб қуйидагиларни айтди: АҚШ ҳукуматининг яқинда қўйган авантюристик қадамлари регионимиз тинчлиги ва барқарорлиги учунгина хавф туғдириб қолмай, шу билан бирга дунёни янги уруш гирдобига тортиши мумкин. НАТО бюджетининг оширилганлиги, Европада «Першинг» ракеталарининг қўшимча миқдорини жойлаштириш тўғрисидаги қарор, Форс қўрфази ва Ҳинд океани ҳавзасида АҚШ кучларининг кўпайтирилаётганлиги, янги базалар, «тез ҳаракат қилувчи кучлар», тўғрироғи «тез босқинчилик қилувчи кучлар» тузилганлиги, СҚЧ-2 битими номаълум муддатга кечиктирилаётганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси Америка милитаризми яна кўзиганлигидан далолат беради, у ҳозирдаёқ дунёни уруш ёқасига келтириб қўйди. Уруш хавфини чиқарувчи қадамлар қўйилишининг олдини олишга қаратилган куч-ғайратларни бирлаштириш барча тинчликсевар мамлакатларнинг биринчи даражали бурчи бўлиб қолмоғи лозим.

Улуғ мамлакатингиз, тинчлик ишининг матонатли ҳимоячиси ва бизнинг якин дўстимиз кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш йўлида олиб бораётган тинимсиз кураши учун ҳаммаларнинг таҳсини ва иззат-ҳурматига сазовор бўлмоқда. Коммунизм қураётган тинчликсевар мамлакатингиз БМТ, Африка Бирлиги Ташкилоти, қўшилмаслик ҳаракати принципларига ва бошқа халқаро ташкилотларнинг принципларига ҳурматни изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда. Аммо империализм Совет Иттифоқининг бутун дунёда тинчлик ишига содиқ эканлигига ғурурат кампаниясини авж олдириш учун ҳамиша баҳона топмоқда. Шу муносабат билан Афғонистоннинг қаҳрамон халқи қонуний ҳуқуқлар ва эркинлик учун олиб бораётган курашда у билан бирдамлик империалистларнинг аламига адолат ва демократия идеаларига содиқ барча кучларнинг мадади ва таҳсинига сазовор бўлганлигини таъкидлаш ёқимлидир.

Гарчи Африка снёсий жиҳатдан мустақил бўлса ҳам, деди сўнгра Менгисту Хайле Мариам, унинг иқтисодий аҳволи тўғрисида шундай дейиш амри маҳол. Африканинг империалистик мамлакатлар экономикаси учун арзон ва ҳаётий муҳим хом ашё етказиб бериш манбаи сифатидаги доимий роли бир томондан унинг эксплуататорлари бойиб кетишига, иккинчи томондан эса унинг қашшоқлашувига олиб келди. Ишнинг бундай аҳволи дарҳол қайта кўриб чиқилишини талаб қилади. Бировлар қашшоқлашиб, бошқалар эса муттасил бойиб бораётган аҳволга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бундан ташқари у бутун дунёда тинчликка потенциал хавф туғдиради: янги халқаро иқтисодий тартибни вужудга келтиришга қаратилган куч-ғайратларни активлаштириш зарурлиги мана шундан келиб чиқади.

Тинчлик, тенглик ва озодлик ишининг ҳимоячилари бўлган Совет Иттифоқи билан Эфиопия, деди у, доимо мустаҳкамланиб бораётган ришталар билан боғлангандир. Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши бунинг тўққизи бўлди. Бу визит бизнинг снёсат, экономика, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга кўшиладиган катта ҳисса бўлишига шубҳамиз йўқ. Биз, эфиопияликлар биринчи социалистик мамлакатдан кўп нарса ўрганишимиз мумкин. Совет Иттифоқи — 130 тилда сўзлашадиган, тенглик ва демократия принциплари негизида 100 дан зиёд миллат тотув яшайдиган буюк мамлакатдир. Мен эфиопиялик ватандошларимнинг СССРнинг ажойиб халқи билан дўстлигидан астойдил фахрланаман, СССРнинг улуғвор ютуқлари совет гражданларининг эмас, шу билан бирга дунёдаги барча тинчликсевар мамлакатларнинг гражданларини ҳам ҳақиқатан қувонтирмоқда ва фахрлантирмоқда. СССРнинг намунаси дунёдаги тинчликсевар мамлакатлар учун ғоят катта ибрат манбаи, у билан иттифоқ эса мардлик манбаидир.

Менгисту Хайле Мариам Совет Иттифоқи ва Эфиопиянинг дўстлиги янада ривож топиши ҳамда гуллаб-яшнаши учун, ўртоқ президент Брежневнинг сиҳат-саломатлиги ва узоқ умр кўриши учун, пролетар интернационализми учун, бу ерда ҳозир бўлган барча ўртоқлар ва ҳурматли меҳмонларнинг сиҳат-саломатлиги учун қадаҳ кўтарди.

* * *

Л. И. Брежнев ва Менгисту Хайле Мариамнинг зўр эътибор бериб тингланган нутқлари давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Ўртоқ Менгисту Хайле Мариамга совет мукофоти топширилди

(Боши биринчи бетда).

Халқларимизнинг анъанавий дўстлиги интернационал бирдамлик ва тинчлик, озодлик ва социал тараққиётдан муштарак манфаатдорликнинг пишиқ-пухта негизида мустаҳкамланиб бораётганлигини зўр мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Икки томонлама алоқаларимизда қарор топган бу янги сифат СССР билан Социалистик Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома билан пухта мустаҳкамланган. Совет—Эфиопия муносабатларининг келажакда ҳам яхши бўлишига аминман.

Ўртоқ Менгисту, Сизга шу юксак мукофотни топшираётиб, Эфиопия революцияси идеаларининг тантанаси йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда янгиданянги муваффақиятлар тилайман.

* * *

Ўртоқ Менгисту Хайле Мариам жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ МЕНГИСТУ ХАЙЛЕ МАРИАМ нутқи

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси!

Ўртоқлар!

Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланганлигимни Эфиопия меҳнаткашлари ғалабага эришиш йўлида империализмга қарши курашга ўз ҳиссаларини қўшиб, фидокорона олиб борган олти йиллик оғир синфий курашининг натижаларига берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман. Бу ғалаба кишини фахрлантиради. Шунинг учун ҳам мен ва ўзим билан бирга келган эфиопиялик дўстларим алоҳида ҳурсандмиз.

Халқаро империализм раҳбарлигида ички ва ташқи реакция феодал буржуа тузумини ағдариб ташлашга, озодлик, тенглик ва социализм учун нурашга қатъий отланган Эфиопия кенг оммасига қарши қаҳқиқий уруш бошлади. Шу узоқ давом этган синфий курашда мамлакат меҳнаткашлари, ёшлари, хотин-қизлари, революционерлари ва ватанпарварлари революция меҳробига ҳаётмамотларини ҳам, мол-мулкларини ҳам тикдилар. Шунинг учун ҳам Эфиопия революцияси Эфиопия революционерларининг жуда катта қурбонлари ва куч-ғайратлари туфайли ҳозирги аҳволга эриша олди, дейиш мумкин.

Эфиопия революциясига қўшаётган ҳиссамни шунинг ҳаммасидан ажратмайман. Тарих тақозоси билан зиммамга юкланган масъулият туфайли шу ишларни қилиб келяпман. Шунинг учун ҳам ушбу мукофотни босқинчиларга қарши мардонавор курашган қаҳрамон эфиопияликлар номидан, меҳнаткашлар, революцион армиянинг ҳарбий хизматчилари номидан, Эфиопия халқи кенг оммаси номидан қабул қиламан.

Бу мукофот барча революционерларимизнинг Эфиопияда, кишини киши эксплуатация қиладиган дунёнинг ҳаммасида революцион ўзгаришлар учун империалистларга қарши олиб бораётган курашига янада катта куч, ишонч бахш этади, деб барчангизни ишонтираман.

Шу мукофот билан менга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун Эфиопия революционерлари ва кенг халқ оммаси номидан кўпдан-кўп ташаккур изҳор этаман.

* * *

Ҳозир бўлганлар Менгисту Хайле Мариамни юксак мукофот билан самимий қутлаб, Социалистик Эфиопияни барпо этиш ишида янгиданянги муваффақиятлар тиладилар. (ТАСС).

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Тошкент области меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни бажара бориб, КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига жавобан, саноат маҳсулоти реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан беш йилликнинг сўнгги йили ўн ойлик планни муддатидан илгари, 28 октябрь куни бажардилар. Октябрь ойининг охиригача истеъмолчиларга яна 80 миллион сўмлик маҳсулот жўнатилади.

* * *

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари партия XXV съезди қарорларига амал қилиб, беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан барвақт бажариш юзасидан Москвадаги илғор коллективлар ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаб, саноат маҳсулотини реализация қилиш ва буюмлардан энг муҳим турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан январь-октябрь ойлари планини 27 октябрь куни бажардилар. КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларидан руҳланган тошкентликлар якунловчи йил ва умуман ўнинчи беш йиллик учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга аҳду паймон этишган. (ЎзТАГ).

* * *

ОЗАРБАЙЖОН ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

Озарбайжон ССРнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, дон, пахта, узум, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, чой барги ва картошкадан мўл ҳосил етиштириб, уни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олдилар ва ана шу маҳсулотларни давлатга сотиш планлари ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар.

Озарбайжон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини ривожлантиришдаги муваффақиятлар республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари мамлакат қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ва совет кишиларининг фаровонлигини ошириш юзасидан КПСС XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларини амалда рўёбга чиқариш борасида астойдил олиб бораётган собит қадам ташкилотчилик ва снёсий ишлар натижасидир.

Ҳозирги вақтда барча куч ва имкониятлар КПСС XXVI съезди шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратилгандир.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

27 октябрь куни республика бўйича 43.177 тонна пахта тайёрланди. Мавсум бошидан буён 5.855.483 тонна, шу жумладан 321.936 тонна ингичка толали пахта тайёрлашга эришилди.

Қорақалпоғистон Автоном республикаси деҳқонлари кунига йиллик планнинг 1,27 процента миқдорида пахта тайёрлаб, юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Улар йиллик планни адо этдилар. Бир кунда 1,20 процент миқдорида пахта тайёрлаётган Самарқанд областининг заршунослари ҳам иш суръатини бўшаштирмаяптилар.

Фарғона, Андижон ва Наманган областларининг пахтакорлари социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун барча имкониятларни сафарбар этишлари лозим.

Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нест-нобуд қилмай йиғиб-териб оламиз. Бу — бизнинг КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартияси XX съездига тайёрлаган меҳнат совғамиз бўлади.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРГАНЛАР

Оққўрғон райони. Район заршунослари қабул пунктларига мажбуриятга қўшимча 1,5 минг тонна хом ашё топширдилар. Район пахтакорлари ялпи ҳосил миқдорини 70 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

Арнасой райони. Бу ерда давлатга 60 минг тонна «оқ олтин» топширилди.

Ҳива райони. Давлат ҳиваликлар заршуносларидан 44 минг тонна хом ашё қабул қилиб олди. Район пахтакорлари ялпи ҳосилни 45 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

Эллиққалъа районидаги «Эллиққалъа» совхози. Хўжалик аъзоларидан эл хирмонига 2500 тонна пахта топширдилар.

Гурлан районидаги «Ленинизм», «Коммунизм», «Правда» колхозлари. Китоб районидаги Карл Маркс номли колхоз, Ғузор районидаги Гагарин номли колхоз, Сариосиё районидаги Жума Пирназаров номли колхоз.

ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

Самарқанд области совхозлари. Ҳосилнинг 95 процента биринчи сортларга топширилди. Мусобақада Каттақўрғон районидаги «Ленинизм», Пастдаргом районидаги «Прогресс», Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхозлар карвонбошчилик қилишмоқда.

Хоразм область. Хазорасп район. Район пахтакорлари эл хирмонига 35 минг тонна дурдона армуғон этдилар.

Сурхондарё область. Шеробод райони. Бу ерда машина билан пахта териш йиллик плани адо этилди. Район «зангори кема» капитанлари 33.400 тонна пахтани агрегатлар ёрдамида саранжом-саришта қилдилар. Ҳар бир машинанинг ўртача иш унуми 105 тоннани ташкил этди.

Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли, Қумқўрғон районидаги Ульянов номли совхозлар, Сармосиё районидаги Калинин номли, Ангор районидаги Карл Маркс номли колхозларнинг пахтакорлари ҳам йиллик планни бажарганликлари тўғрисидаги рапортга имзо чекдилар.

Чуст районидаги «1 Май» совхози. Хўжалик пахтакорлари давлатга қарийб 14 минг тонна хом ашё топширдилар.

ШОЛИ — ДАВЛАТГА

Тахтакўпир районидаги «Тахтакўпир» совхозининг шоликорлари ҳам йиллик планни уддаладилар. Улар гектаридан 42 центнердан ҳосил кўтариб, мамлакатга 5 минг тонна «қирмизи-дон» топширдилар.

Ленин номли совхоз ва 4-Қўғирот хўжалик ҳисобидаги участка шоликорлари ҳам йиллик планни муваффақиятли адо этдилар. Улар ҳозир социалистик мажбуриятни ҳисобига шоли топширмоқдалар.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Балиқчи райони. Беш йил ичида бу ерда давлатга 284 минг тонна пахта топширилди. Ана шунинг ярмидан кўпроғи машиналар билан териб олинди.

Марҳамат райони. Марҳаматликлар давлатга 207 минг тонна хом ашё топширдилар. Бу муваффақиятга «Октябрь 60 йиллиги» совхози, «Пахтакор» ва Куйбишев номли колхоз пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Сурхондарё область Денов районидаги «Хазарбоғ» совхози. Бу хўжалик аъзоларидан беш йил мобайнида давлатга 71 минг тонна пахта етказиб бердилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Иван Васильевич Архиповни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет, комсомол органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми мукофотлар бўлимининг консультанти ўртоқ Юлия Борисовна Новиковага Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берди.

Халқлар дўстлиги—адабиётлар дўстлиги

БОКУ, 28 октябрь. (ТАСС мухбири). Ёзувчиларнинг кеча Бокуда очилган Бутуниттифоқ ижодий конференцияси «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» шиори остида ўтмоқда. Москва, Ленинград, барча иттифоқдош республикаларнинг адиблари, чет эллик меҳмонлар «Ёзувчининг сўзи — совет кишисини интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда актив куч», проблемасини муҳокама қилишда қатнашадилар.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков конференцияни очиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: конференция КПССнинг XXVI съезди ва мамлакат адибларининг VII съезди арафасида СССР Ёзувчилар союзининг энг катта тадбиридир.

Мажлис аҳли ўртоқ Л. И. Брежневнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табригини гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев табрикни ўқиб эшитирди.

Конференцияда доклад қилган Г. А. Алиев айтдики, ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий табриги партиянинг совет ёзувчиларига қаратилган илиқ ва самимий ҳурматидир. Бу табрик Коммунистик партия бадиий сўз усталарининг, барча ижодкор зиёлиларнинг буюк коммунистик бунёдкорликдаги, жаҳоннинг тараққийпарвар кучларини жипслаштириш ва инсониятнинг порлоқ истиқболи учун олижаноб курашдаги ролига жуда катта аҳамият бераётганлигини тасдиқловчи янги далилдир.

Г. А. Алиев конференция қатнашчилари номидан совет адабиётини, ижодкорларнинг бадиий бойлигини ривожлантиришга ҳамиша эътибор ва ғамхўрлик қилаётганлиги учун, самимий сўзлари ва эзгу истаклари учун КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Маркса-Ленинча ғоявий-эстетик платформаси бир хил бўлган совет адабиёти, деб таъкидлади нотиқ, мамлакатимиздаги барча миллатларга мансуб

ОФТОБЛИ ЮЗЛАР

Пахта даласида меҳнат қилаётган ҳар бир меҳнаткашнинг юзи кўзларимизга офтобдай ёруғ ва иссиқ кўринади. Ахир, мамлакатга октябрь ойидаёқ беш миллион саккиз юз эллик минг тоннадан ошириб ҳосил топшириш ҳали пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган катта воқеа бўлди. Бу хирмондан бутун халқимиз кўксини тоғдай баланд кўтариб ғурур қилса арзийди. Фақат биз эмас, ҳатто осмонда парвоз қилган сафсаф турналар ҳам ғолиб пахтакорларимизни қутлаб ўтаётгандай туюлади. Мусаффо куз ҳавосида учиб юрган оппоқ мезонлар ҳам пахтакорнинг юрган йўлларига поёндоз бўлиб тўшалаётгандай кўринади.

Ўзбекистоннинг «оқ олтин» етиштирадиган водийлари қишин-ёзин дарёлардай бетиним. Сирдарё ва Амударёнинг ўзи ҳам менинг тасаввуримда азамат деҳқонининг икки улуғ қўлига ўхшаб кетади. Бу қудратли қўллар серҳосил водийларни фарзанди каби қучиб, йил бўйи тер тўкиб парвариш қилади. Баҳордан бошланадиган селлар, дўллар, қатқалоқлар, ёз ва куз қийинчиликлари бирма-бир енгиб ўтилади. Бу менга Амударё ва Сирдарёнинг ўз йўлида учрайдиган барча пасту баландликларни, Қизилқум ва Қорақумнинг беҳисоб барханлари қаршилигини енгиб ўтиш жараёнидаги бардоши ва қудратини эслатади.

Қалби дарё одамлар, офтобли юзлар ҳар бир областимизда, ҳар бир районимизда ва пахтакор хўжалигимизда бор. Партия ва ҳукуматимиз уларни қудратли техника билан қуроллантирди, пахтакорнинг талабларини изчил амалга ошириб, унга доимий ғамхўрлик кўрсатди. Шунинг натижасида терим суръатлари бу йил ҳар йилгидан ҳам баланд бўлди.

Илғор иш методларига амал қилишда ва механизацияни ёппасига жорий этишда Тошкент области хотиналарга муҳрланиб қоладиган ютуқларга эришди. Эсимизда бор: сентябрнинг ўрталарида ҳам Тошкент области Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарёлардан кейинда, областлараро мусобақанинг олтинчи-еттинчи ўринларида бормоқда эди. Лекин пахта етилиб, машиналар ёппасига теримга тушгандан кейин Тошкент области ҳар куни йиллик планнинг беш, ҳатто олти процентидан ошириб пахта топшира бошлади. Тошкент бир ҳафта ичида областлараро мусобақанинг энг олдинги сафига ўтиб олди ва 10 октябрда республикада биринчи бўлиб планнигина эмас, илк мажбуриятини ҳам бажарди.

Тошкент областининг бу йилги илғор тажрибаси жуда катта истиқболга эгадир. Чунки, теримнинг асосий қисми бир ойга бормай тугалланди, план ва мажбурият ёғин-сочин бошланмасдан олдин адо этилди. Демак, 435 минг тонналик Тошкент хирмонининг ҳаммаси биринчи нав пахтадан таркиб топди. Бундан тўқимачилик корхоналари ҳам жуда зўр манфаат кўради. Пахтакорнинг ўзи ҳам катта даромад олади. Тошкент области ҳамон пахта топширишни давом эттириб, республикамизнинг олти миллионлик хирмонига яна қирқ минг тонналик ҳисса қўшиш учун курашмоқда. Бу областнинг Бўка ва Бекобод районлари ўз тарихларида мисли кўрилмаган даражада катта ҳосил кўтардилар.

Бухоро областининг кейинги йиллардаги парвози тилларда достон бўлмоқда. Яқин ўтмишда 450 минг тоннаник планини декабрь ойигача ҳам бажаролмай ўялиб юрган Бухоро мана бу йил октябрь ойининг ўрталаридаёқ 650 минг тонналик хирмон кўтариб, ҳаммамизни ойпил қилди. Ромитан районининг пахтакорлари эса, республикада биринчи бўлиб сентябрь ойидаёқ маррага етдилар. Улардан кейин ғиждувонликлар ғалаба рапортини бердилар. Бухороликлар республикамиз жанубида ҳали ҳеч бир область кўтарилмаган юксакликка — 700 минг тонналик «оқ олтин» чўққисига кўтарилиб бормоқда.

Унинг ёнида худди улуғ тизма тоғнинг яна бир улкан чўққиси бўлиб, Қашқадарёнинг олти юз минг тоннаник хирмони қад кўтарди. Қадимий Шаҳрисабз кучга тўлган норғул йигитнинг ғайрати билан меҳнат қилиб, давлатга етмиш минг тонна пахта топширди.

Толлимаржон сув омборининг тўқинлари ва улар устида учиб юрган чағалайлар Қарши даштида бу йил пайдо бўлган ажойиб янгиликлар қаторига кириштирилиши мумкин. Яқиндагина сувсизликдан чанқаб ётган қақроқ чўл ўрнида энди ҳатто чағалайлар яхши кўрадиган обод, серсув манзиллар майдонга келгани — халқимизнинг яратувчилик қудратини кўрсатадиган яна бир ёрқин далилдир. Қарши даштининг чўлқуварлари етиштирган юксак ҳосиллар эса, қашқадарёликлар хирмонига жуда катта барака киритди. Сурхондарё области ҳам маррага энг илғор областларимиз қаторида етиб борди. Айниқса, Шеробод чўлқуварларининг механизмлардан унумли фойдаланишдаги ютуқлари таҳсинга сазовор.

Республикамизда биз борган барча районлар, областлар, биз кўрган ажойиб пахтакорлар ҳозир кўз олдимдан бир-бир ўтмоқда. Мана, Самарқанд области Хатирчи районидаги эр-хотин механизаторлар — Рўзимурод Норов билан Насибали Тўрақулова. Улар машина билан пахта теришда бир тан, бир жон бўлиб ишлайдилар. Бултур бу иноқ оила 340 тонна пахта терган эди. Бу йил улар бултургидан яхшироқ меҳнат қилмоқдалар. Мана, Жиззахнинг Дўстлик районида жасорат кўрсатиб ишлаётган қаҳрамон йигит Тўлан Дадажонов. Унинг бу йилги ютуқлари бултургидан ҳам баландроқ.

Илғорлар сафида навқирон областимиз Жиззахнинг алоҳида ўрни бор. Бу областнинг Дўстлик, Арнасой, Пахтакор районларида ҳосилнинг 95 процента машиналарда териб олинганини отахон ғазетамиз «Правда» алоҳида таъкидлаб ўтди. Қўриқ Сирдарё области, айниқса, бу областнинг машҳур Оқолтин райони механизацияни кенг жорий этиш, ипатоволиклар бошлаб берган илғор иш усулини ижодий татбиқ қилишда намуна кўрсатдилар.

Ўтган йилларда Самарқанд областининг теримга кечроқ кириши ва мусобақада кейинроқ ўринларда бориши одат тусига кириб қолган эди. Бу йил терим суръатини оширишда самарқандликлар ҳам жиддий бурилиш ясадилар. Асосий ҳосилни эртароқ, териб олиб, биринчи сортларга топшириш самарқандликлар учун ҳаётий зарурат эди. Мана шу заруратни чуқур ҳис қилган самарқандликлар октябрь ойидаёқ, юксак маррани эгалладилар. Фарғона водийсидаги областларнинг ғалабаси яқин. Бу областлар ҳам олти миллионлик хирмонни тиклашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар ҳам яқин кунларда албатта ғолиблар сафига қўшиладилар.

Республикамиз пахтакорларининг бу йилги улкан зафардари бутун мамлакатимиз халқларини қойил қилмоқда, қардош социалистик мамлакатларда ва бизнинг пахтамизни истеъмол қиладиган барча дўстларимиз қалбида чуқур ҳурмат ва эътибор уйғотмоқда. Биз ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини шундай мардларча, қаҳрамонларча адо этаётган саҳий халқимиз юзи офтоб, дили дарё, қўли олтин пахтакорларимиз билан чин дилдан ифтихор қиламиз.

Пиримқул ҚОДИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика театр санъатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун Й. Охунбобоев номидаги Андижон область музикали драма ва комедия театрининг хонанда артисти ўрток Азиза Алминовага **Ўзбекистон ССР халқ артисти** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика театр санъатини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Й. Охунбобоев номидаги Андижон область музикали драма ва комедия театрининг бутафори ўрток Шаҳоб **Зайнобиддинова**га **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр санъатини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё область музикали драма театрининг артисти ўрток Лола **Холиқова**га **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист** фахрий унвони берди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

АКТИВЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Республикадаги 7658 бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда коммунистларнинг 97,5 процента иштирок этди. Ҳар уч йиғилиш қатнашчисининг бири сўзга чиқди. Барча партия бюролари ва бошланғич партия ташкилоти секретарларининг иши қониқарли топилди.

Партия ташкилотларида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар партия, совет, хўжалик органлари адресига бир қатор қимматли таклиф ва танқидий мулоҳазалар билдирмоқдалар. Ҳозиргача 16400 дан зиёд ана шундай мулоҳаза билдирилди. Уларнинг кўпчилиги дарҳол бартараф этилди. Партия комитетлари ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда ўтказишга эришмоқдалар. Бу йиғилишлар меҳнат коллективлари ҳаётига ташаббускорлик руҳини олиб кириб, бошланғич ташкилотларнинг 1980 йил ва, умуман, ўнинчи беш йиллик план ва мажбуриятларини бажариш, КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун курашдаги жанговарлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Андижон шаҳар партия комитетининг бюроси бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг боришини қараб чиқди. Қабул қилинган қарорда шу нарса таъкидландики, кўпчилик бошланғич ташкилотларда бу масъулиятли кампанияни ўтказишга изчил ва асосли тайёргарлик кўрилган, партия ташкилотларининг етакчилари учун семинар-кенгашлар ўтказилган. Йиғилишлар уюшқоқлик билан, танқид ва ўз-ўзини танқид асосида ўтмоқда. Чунончи, механика заводи, вагон депоси, Володарский номли фабрика партия ташкилотларида ана шундай бўлди. Нотиқлар ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, меҳнат коллективлари ҳаётида партия ташкилотларининг таъсирини кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Шаҳар партия комитетининг бюроси, шунингдек, баъзи бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари талаб даражасида ўтмаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Чунончи, «Андижанэлектросет», сут заводи, 5-, 15, 24-мактабларда ўтган йиғилишларда коммунистлар тўла қатнашиши таъминланмади. Улар ҳисоботни муҳокама қилишда етарли активлик кўрсатмадилар.

Қўғирот район партия комитетининг бюроси ҳам ҳисобот-сайловларнинг боришини атрофлича муҳокама қилиб чиқди. Райондаги 70 ҳисобот-сайлов йиғилишида 1652 коммунист иштирок этди. Бу жами коммунистларнинг 99,2 процентини ташкил этади. Музокараларда ҳар икки коммунистнинг бири сўзга чиқди. Айниқса, пахта тозалаш ва ғишт заводлари, 3-автобаза, Чапаев номли, «Қўғирот» совхозлари, 2-кўчма колонна ва бир қатор мактабларнинг партия ташкилотларида ўтган йиғилишларда коммунистлар алоҳида активлик кўрсатдилар, партия ташкилоти ҳаётидаги кўпгина камчиликларни таталабчанлик билан муҳокама қилдилар. Кўпгина нотиқлар йиллик ва беш йиллик планларни муддатидан илгари бажариш юзасидан оширилган шахсий мажбуриятлар қабул қилишди.

Район партия комитети айни пайтда бу ишдаги нуқсонларга ҳам эътиборни қаратди. Қўғирот станцияси, Ленин номли мактаб, Равшан овул Совети партия ташкилотларининг йиғилишларига ҳисобот докладлари талаб даражасида тайёрланмаганлиги, бу ишда шошма-шошарликка йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди. Натижада партия ташкилотининг фаолияти чуқур таҳлил қилинмаган, жамоат ташкилотларига, социалистик мусобақага раҳбарлик етарли ёритилмаган.

Андижон шаҳар ва Қўғирот район партия комитетлари ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишдаги шу сингари камчиликларга дарҳол барҳам бериш тадбирларини белгиладилар.

Партия комитетлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловларнинг боришига оид хабарлар кун сайин келиб турибди. Уларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, коммунистлар ишни яхшилашга қаратилган амалий таклифлар билдирмоқдалар, партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг ишидаги баъзи камчиликларни принципиал муҳокама қилмоқдалар.

—Сўнгги йилларда партия ташкилотимизнинг иши сезиларли яхшиланди, — деди Нукус полиграфия комбинатининг ишчиси К. Султонов йиғилишда сўзга чиқиб. — Коммунистларнинг активлигини оширишда улар ўртасида олиб борилаётган якка тартибдаги ишнинг аҳамияти катта бўлаётир. Ташкилотимиз секретари С. Еспанов камтар, тажрибали раҳбар. У виждонан қилган меҳнати, одамларга меҳр-муҳаббати ва улар тўғрисида муттасил ғамхўрлик кўрсатиши туфайли коллективда ҳурмат-эътибор топмоқда. Коллективимиз жипслашиб, катта-катта вазифаларни ҳам бажара оладиган даражага кўтарилди. Цехимиз беш йиллик топшириғини 1 июлдаёқ бажарди. Мен партия ташкилотимиз ва секретаримизнинг ҳисобот давридаги фаолиятини батамом қувватлайман ва уни қониқарли топишни таклиф қиламан.

— Ҳар биримизнинг иш жойимизда ҳали фойдаланилмаётган резервлар кўп, — деди Шўрчидаги 77-автобаза шофери Н. Майданов. —Биз бу резервларни қидириб топишимиз ва ишга солишимиз керак. Шуни назарда тутиб, партия йиғилишларида коммунистларнинг илғор иш усулларни жорий этиш, ўз касб маҳоратини ошириш тўғрисидаги ҳисоботларини, уларнинг новаторлик ва рационализаторлик фаолиятига доир ахборотларини тез-тез эшитиб туришни таклиф қиламан. Маъмурият ва партия ташкилоти новаторларга ёрдамни кучайтиришлари, уларнинг тажрибасини кенг жорий этишлари керак.

Поп районидаги «Поп» совхозида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида сут соғувчи У. Мархаева сўзга чиқди.

— 68-Андижон кўприк қуриш отряди Сирдарёда автомобиль кўпригини 6 йилдан буён «бунёд» этяпти, — деди у. — Кўприкнинг қачон битиши ҳали ҳам маълум эмас. Бу хўжасизлик эмасми? Кўприк ҳанузгача қурилмаганлиги туфайли хўжалигимиз йил сайин кўплаб зарар кўрмоқда.

Шофиркон районидаги Куйбишев номли колхоз партия-ҳисобот сайлов йиғилишида ингичка толали пахта етиштириладиган майдонларни кенгайтириш хусусида қизғин мунозара бўлиб ўтди.

— Ипак пахта майдонларини анча кенгайтиришимиз мумкин, — деди коммунист А. Камолов сўзга чиқиб. — Бу хўжалигимизга ҳам, давлатга ҳам фойдали. Афсуски, на колхоз правлениеси, на район ташкилотлари бу масала билан жиддий шуғулланаётирлар.

— Биз бошланган ишни ҳамиша ҳам охирига етказавермаймиз, — деди Янгиариқ районидаги Ленин номли колхоз цех партия ташкилотининг секретари Н. Отаназаров коммунистларга ҳисобот бераётиб. — Қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш масаласида етарли принципиаллик кўрсатмаётирмиз. Колхозчиларнинг маиший шароитини яхшилаш тўғрисидаги масала бир неча бор кўтарилди. Бироқ, бу борада ҳали етарли иш олиб борилмаётир. Янги посёлкамизнинг кўчаларини ободонлаштириш, хонадонларни газлаштириш масаласи пайсалга солинмоқда.

Ўзбекистон бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда.

Планетамизда

● СССР ВА ЯХДР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА
● ТУНИСДА САММИЙ УЧРАШУВЛАР
● РЕВОЛЮЦИЯ ҒАЛАБАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАБ
● ОММАВИЙ НАМОЙИШЧИЛАР ТАЛАБНОМАСИ
● ЛИВАННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ
● «ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

БАЙРУТ. (ТАСС). Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси А. Н. Муҳаммад «Ан-Нидо» газетаси мухбири билан суҳбатда бундай деди: Совет Иттифоқи Жанубий Яман халқининг миллий озодлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашида унинг ишончли иттифоқчиси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

СССР империализм ва реакция фитналарини бартараф этишда бизга беғараз интернационал ёрдам бериб келди ва ёрдам бермоқда.

Совет Иттифоқи мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда ҳам бизга кўмаклашмоқда. Ана шу ёрдам ва мадад туфайли, деб таъкидлади А. Н. Муҳаммад, демократик Яман халқи ўзига қарши давом этаётган иғволарни барбод этибгина қолмай, шу билан бирга, иқтисодий соҳадаги кўпгина қийинчиликларни ҳам бартараф қилишга эришди. Совет Иттифоқи билан қардошлик муносабатлари ЯХДР халқининг янги жамият барпо этишида ҳамиша куч ва матонат манбаи бўлиб келди, деди у. Биз ана шунга асосланиб, СССР билан қардошлик муносабатларини сақлаб қолишга ҳамда ҳар икки мамлакатларимиз ўртасида мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида шу муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга ғоят катта аҳамият бермоқдамиз.

Суратда: ГДР пойтахти Берлин шаҳрининг маркази, (ТАСС фотоси).

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ТУНИС, 27 октябрь. (ТАСС). Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг аъзоси Гулсара Рўзматова бошчилигидаги Самарқанд шаҳар ижроия комитети делегациясининг Тунисга қилган сизити муваффақиятли ўтмоқда.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Самарқанд билан биродарлашган Кайруан шаҳрининг аҳолиси Совет Ўзбекистонидан келган делегацияни самимий кутиб олди. Кайруан маданият марказида «Совет Иттифоқидаги мусулмонлар ҳаёти ва мусулмон маданияти ёдгорликлари» кўргазмаси очилди. Бу кўргазма шаҳар аҳолисини ғоят қизиқтирди. Делегацияни Кайруан вилоятининг губернатори қабул қилди. Делегация шаҳар мери ва муниципал кенгашининг аъзолари билан учрашди. Тунисниқг расмий кишилари учрашув вақтида ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида биродарлашган шаҳарлар ўртасида алоқа ва муносабатларни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар борлигини таъкидладилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БРЮССЕЛЬ. Бельгиянинг Антверпен вилоятидаги Мол шаҳрида урушга қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди. Намойишда қатнашиш учун Бельгия, Голландия, Англия, Франция ва ГФР жамоатчилигининг 10 [illegible]нг намояндаси бу ерга келди. Намойишчилар орасида Бельгия Коммунистик партиясининг раиси Л. Ван Гент бор эди. Намойишчиларнинг сафларида ўтган болалар «асосийнтэ усишимизга имкон беринглар!» деган шиор ёзилган плакатни кўтариб олган эдилар.

● БАЙРУТ. Бу ерда бош министр Шафиқ Ваззан бошчилигида Ливаннинг янги ҳукумати тузилганлиги эълон қилинди. Бу ҳукумат шу йил июль ойида истеъфога чиқиш тўғрисида ариза берган С. Хосс бошчилигидаги аввалги ҳукуматнинг ўрнини олди.

Янги кабинет составида аввалги ҳукуматнинг 5 аъзоси ва 17 янги министр бор. Фуод Бутрос яна ташқи ишлар министри этиб тайинланди. Жозеф Скаф миллий мудофаа министри лавозимида қолдирилди.

● ТОКИО. Жанубий Кореядаги қўғирчоқ режим мамлакатдаги демократик ҳаракат қатнашчиларидан ўч олишни бас қилмаяпти. Сеулдан олинган хабарларда айтилишича, Кванжў шаҳридаги халқ қўзғолони қатнашчиларидан беш кишини қарбий трибунал ўлим жазосига ҳукм қилди. Уларнинг ўртоқларидан етти киши умрбод қамоқ жазосига, яна 163 киши 5 йилдан 20 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

● АДДИС-АБЕБА. Могадишодан берилган хабарларда айтилишича, Сомали президенти Муҳаммад Скад Барре махсус фармон чиқариб, ўзи 21 октябрда эълон қилган февқулодда аҳволга «мос келмайдиган» бир қанча қонунлар ва конституция моддаларининг амал қилиши тўхтатилишини маълум қилди. Фавқулодда аҳвол қабилачилик гуруҳларининг қўпорувчилик фаолияти ва порахўрлик авж олганлиги муносабати билан жорий этилганлиги илгари хабар қилинган эди. (ТАСС).

СОВЕТ КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Враца шаҳрида совет китобларининг Болгариядаги 21-декадаси тантанали суратда очилди.

Декада муносабати билан совет китоблари катта кўргазмаси ташкил этилган бўлиб, унда 2 мингдан кўпроқ бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техника адабиётлари ва болалар адабиёти асарлари намойиш этилмоқда.

Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида шу кунларда китоб бозорлари, китобхонларнинг конференциялари, адабий учрашувлар ўтказилмоқда.

Болгарияда совет китобдари ғоят машҳур бўлмоқда. Ҳар йили СССРдан республикага жами 11 миллион нусхадан кўпроқ салкам 17 минг номлари китоб экспорт қилинмоқда. Совет авторларининг жуда кўп асарлари болгар тилига таржима қилинмоқда. (ТАСС).

Бабрак Кармалнинг айтганлари

КОБУЛ, 27 октябрь. (ТАСС). Афғонистон халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал Афғонистон радиоси ва телевидениесининг мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Совет Иттифоқига қилинган расмий дўстона визит, СССР партия ва ҳукуматининг раҳбарлари билан, айниқса КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев билан бўлган учрашув ва олиб борилган музокаралар қардошларча самимийлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. Бу учрашув ва музокаралар томонларнинг ўзаро манфаатли проблемалар юзасидан қарашлари ва позициялари батамом яқдил эканлигини кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга ҳар иккала мамлакатимиз ўртасида дўстона ва қардошларча муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ишида янги саҳифа очди.

Совет томони, деб таъкидлади Б. Кармал, афғон халқини, Афғонистон халқ демократик партиясини ва АДР ҳукуматини Апрель революцияси ғалабаларини, айниқса унинг иккинчи босқичи эришган ғалабаларни ҳимоя қилишдаги курашида, ташқаридан қилинадиган агрессия ва аралашувларга қарши, революцион Афғонистоннинг мустақиллигини, миллий суверенитетини ва территориал бутунлигини мустаҳкамлаш учун курашда улар билан ўзининг интернационал бирдам эканини яна бир бор қатъий билдирди.

Б. Кармал ана шу қардошларча ёрдам ва мадад учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Кўшни мамлакатлар ўртасидаги дўстона ва ҳар тарафлама муносабатлар, деди у, ҳар иккала мамлакат халқлари манфаатлари йўлида, регион ва бутун дунё ҳалқларининг тинчлиги ҳамда хавфсизлиги манфаатлари йўлида кун сайин янада ривожланиб бормоқда. Имзоланган Совет—Афғонистон баёнотида шу визитнинг тарихий аҳамияти ўз ифодасини топган. Баёнотда партияларимиз, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги беғараз ҳамкорликнинг юксак даражада эканлигидан тўла мамнуният изҳор этилган, қардошлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг йўллари белгилаб берилган. Бундай қардошлик муносабатлари, шубҳасиз, бундан буён ҳам янада мустаҳкам, самарали ва дўстона тарзда ривожланаверади, деб таъкидлади Б. Кармал.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД, 27 октябрь. (ТАСС). Ўтган суткалар давомида Эрон ва Ироқ қўшинлари ўртасида жанглар фронтнинг Жанубий участкасида Хуррамшаҳр билан Ободон районларида олиб борилди. Эронликларнинг қарши ҳужумга ўтиш ва Ободон қамалини ёриб ўтиш йўлидаги ҳамма уринишлари барбод бўлди.

Эрон авиацияси кеча Сулаймония ва Эрбил вилоятларига, Ироқнинг қарбий ҳамда граждан объектларига, шунингдек фронтнинг жанубий участкасидаги Ироқ қўшинларининг позицияларига ҳужум қилди. Ироқ бош қарбий қўмондонлигининг ахборотига қараганда, ўтган суткалар давомида душманнинг икки самолёти ва уч вертолёти уриб туширилган.

ТЕҲРОН, 27 октябрь. (ТАСС). Теҳрон радиосининг хабар беришича, Ироқ қўшинлари ўз зарбаларини Хуррамшаҳр ва Ободон ўртасидаги темир йўлларга қаратганлар. Хуррамшаҳр билан ҳар қандай алоқа узилган.

Ироқликлар Дизфул шаҳрини ўққа тутганликлари натижасида шаҳар аҳолисидан 100 дан кўпроқ киши ўлган ва 290 киши яралар бўлган. Эрон қарбий ҳаво кучларининг самолётлари ироқликларнинг позицияларига ҳужум қилган. Натижада қўқдори жойланган омбор портлатилган, бир неча ташқ ва ёнилги солинган цистерналар яксон қилинган.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги районлар «Ҳурмат тахтасига ёзилди:

Свердлов райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Нуриллаев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Авазов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Саидов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нуруллаев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Очилов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Йўлдошев;

Боёвут райони— район партия комитетининг секретари ўртоқ Тухлиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳакимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мамиров, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Маҳкамов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Губаев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Алимов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Ўринбоев;

Пахтакор райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Исроилов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Пасота, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нуралиев, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Тоғаев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Орифжонов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Пардаев, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Ҳайдаров;

Ўрта Чирчиқ райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Эгамбердиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мирзохубов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Убайдуллаев, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Акбаров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Арбузов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Муқиддинов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Ҳайдаров;

Ҳалокатли сиёсат

ҚОҲИРА, 28 октябрь. (ТАСС). Бегин ҳукуматининг сиёсати Исроил фермерларининг хонавайрон бўлишига, миллий қишлоқ хўжалигининг тушкунликка учрашига олиб бормоқда. «Иерусалем пост» газетасининг далолат бериб ёзишича, ҳукуматнинг чоралари натижасида қишлоқ аҳолисининг ишлаб чиқариш харажатлари ларнинг даромодларига қараганда 15 процент тезроқ ортмоқда. Ишлаб чиқаришнинг фойда келтирмаётганлиги 1980 йилда Исроил қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспортини анча қисқартиришга сабаб бўлди.

Гистадруд касаба союз бирлашмасининг раҳбарларидан бири И. Саади Бегин кабинетининг аграр сиёсатини ҳалокатли сиёсат, деб атади. Бу йил фермерлар мамнун бўладиган бирдан бир нарса шуки, деб истеҳзо билан илова қилди у, у ҳам бўлса ёғин-сочиннинг кўп бўлишидир, аммо, афсуси, ҳукуматнинг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

ИШСИЗ... КЎЗИНИ СОТМОҚЧИ

«Кўз сотилади. Баҳоси ўн минг доллар. Кўриш қобиляти 100 процент. Кўзни операция қилиб олиш ҳақи сотиб олувчининг ҳисобига». Омаҳи фуқароси Даниэл Хеберт «Омаха Уорлд геральд» газетаси редакциясига шундай эълон билан ташриф буюрди.

Газета муҳаррири ҳурматли газетхонларини «Америка турмуш тарзи» учун «типик» бўлмаган бу воқеани эълон қилишдан бош тортди. Ҳолбуки, Даниэл Хеберт Американинг бориб турган типик фуқароси. Унга ўхшаш одамлар ҳозир расмий рўйхатда қарийб 8 миллион саналади. Хеберт — ишсиз. Устига-устак, хотини ҳам ишдан бўшатилди. Қиш арафасида бошпанасиз қолмаслиги учун унинг кўзини сотишдан бошқа иложи қолмади.

Вашингтон.
(«Труд» газетасидан).

Республикализ бўйлаб

ТОШКЕНТ

БИЛЛУР ИДИШЛАР

Тошкент «Миконд» заводининг экспериментал бадиий лабораторияси серқирра узун биллур қадаҳлар ясай бошлади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган гулдон ва конфет идишлар, салат идишлари ва бошқа хил идишлар ҳам бежирим ишланган.

Асқар Абдуллаев каби ветеранлар ишда намуна бўлмоқдалар. Бу ерда уни қўли гул уста дейишади. Абдуллаев қўлига тушган бир бўлак заготовка 15—20 минутда ажойиб бир буюмга айланади.

Беш йилликда «Миконд» заводида биллур ва рангли шишадан маҳсулотлар ишлаб чиқариш қарийб уч баравар кўпайди. Бу йил 10 миллион сўмликдан кўпроқ буюм ишлаб чиқарилади.

ХИЛМА-ХИЛ СОВҒАЛАР

Бу ердаги «Сувенир» фабрикасида суякдан суворий овчи тасвири — миллий безак ишланган ёғоч қаламдон тайёрлана бошлади.

Рассомлар Н. Логинова, Э. Раков материалларнинг хусуситларидан тўла-тўкис фойдаланибгина қолмай, бу буюмларни ўзбек усталари аньаналари руҳида ясадилар. Рассом Ш. Муҳаммаджонов Шарқнинг буюк шоирлари миниатюра портретларини ясаш билан шуғулланмоқда.

САМАРҚАНД

ДАСТУРХОН БЕЗАГИ

Самарқанд керамика фабрикасининг сўнги янгилигига кўпгина уй бекалари ҳам қизиқиб қолдилар. Бу ерда тайёрланаётган чучвара тортиладиган сопол идишлар байрам дастурхонини ҳам безайди. Ҳар бир сервизда чучвара идиши, лаган, тўрттадан коса, иккитадан салат идиши ва туздон бор. Самарқанд кулоллари ясаётган бошқа хил буюмлар — чойнаклар, лаганлар, гул қўзалари ҳам харидоргир бўлмоқда. Шу йил корхона коллективи янги намуналарда минглаб сўмлик моллар ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда. (ЎзТАГ).

ҚҚАССР. Устюрт даштида жойлашган «Оқчалак» газ компрессори станциясида янги 2 та цех ишга туширилди. Шу туфайли Ўрта Осиё—Марказ газопроводининг тўртинчи шохобчаси қуввати қарийб 3 миллион кубометр «зангори олов» ўтказиш даражасидан ошди. Суратда: газ компрессори станциясининг бошқарув пульти. Олдинда — смена инженери А. Меснянко.

А. Лихварь фотоси, (ЎзТАГ).

ДОРИХОНА ВА МУЗЕЙ

Ўзбекистонда дорихона ишининг қарор топиши тўғрисида ҳикоя қилувчи музей ва республикада энг йирик дорихона ёнма-ён қад кўтарган. Ўрта Осиёда биринчи ана шундай музей энг қадим замонлардан то бизнинг давримизгача бўлган дорихона иши тўғрисида ҳикоя қилади. Музейнинг Абу Али ибн Синога бағишланган бўлими жуда қизиқарлидир. Унинг «Тиб қонунлари»да кўрсатилган 785 та шифобахш дорилардан кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам қўлланилмоқда.

Музей экспозицияси мамлакатимизда фармацевтика ишининг ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилади. В. И. Ленининг 1918 йилда дорихоналарни национализация қилиш тўғрисида имзолаган Декрети мамлакатимизда фармацевтика ишига асос солди. Республика ташкил қилинган дастлабки йилларда унинг территориясида бор-йўғи 32 та дорихона бор эди. Ҳозир эса уларнинг сони бир ярим мингтага етди, уларнинг ярми қишлоқларда жойлашган.

Музей Тошкент химия-фармацевтика заводининг иши билан таништиради (бу завод йилига 27 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда), Тошкент фармацевтика институтида ва Охунбобоев номли медицина билим юртида кадрлар тайёрлаш масаласи тўғрисида ҳикоя қилади. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ

Ленинграддаги СССР халклари этнографияси давлат музейида «Ўзбекистон тасвирий санъати» кўргазмаси очилди. Бу ерда халқ амалий санъати намуналари, ўймакорлик, зардўзлик буюмлари намойиш қилинаётир. Марғилон шойи тўқиш бирлашмасининг хонатласи, Тошкент ювелир фабрикаси нафис узуклари, хивалик, тошкентлик ва самарқандлик ўймакорларнинг ишлари, сўзаналар, керамикадан ишланган сопосозлик буюмлари, Ўзбекистон халқ рассоми М. Раҳимов ижодига хос безакли чойнак ва пиёлалар, М. Бекжонов ёғочга ўйиб ишлаган саккиз қиррали столстулларни ленинградликлар қизиқиб томоша қилаётирлар. Кўргазмада ўзбек халқининг санъатга бўлган ихлоси, ўзбек усталарининг асрлар бўйи давом этиб келаётган қўл ҳунари ҳақида таассурот олиш мумкин.

Г. НАДОЯШИКОВ.

ЯНГИ ҚУВВАТЛАР

Бухоро ва Андижон шаҳарларида янги қуватларни ишга туширишга ярим ойдан камроқ вақт қолди. Ҳар бир минут ғанимат. Андижонда ҳам, Бухорода ҳам қурувчилар ва монтажчилар коллективлари тўқимачилик саноатининг янги қуватларини шу йилнинг 7 ноябригача ишга туширишга ваъда бердилар. Иккала шаҳарнинг ишга тушириладиган қурилишларидаги суръат бу сўзнинг устидан чиқиш учун ҳамма имкониятлар борлигига ишонтиради. (ЎзТАГ).

ҲАҚИҚАТНИНГ МУШКУЛ ЙЎЛЛАРИ

Асқад Мухтор тинимсиз изланадиган, ҳар асарида бирор янгилик кашф этишга интиладиган адиб. Унинг янги қиссаси — «Бухоронинг жин кўчалари» ҳам шундай изланиш самарасидир.

Қисса атоқли давлат арбоби, Ўзбекистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг биринчи Раиси Файзулла Хўжаевга бағишланган.

Файзулла Хўжаев фавқулодда шахс. Унинг революцияга келиш йўли ҳам фавқулодда хусусиятларга эга. Маълумки, Файзулла амирлик тузумининг таянчларидан бўлган миллионер, савдогарнинг ўғли. Файзулла эса меросхўрлик ўрнига бутунлай бошқа йўлни —амирлик тузумига қарши кураш йўлини танлади. У яширин ташкилотларга киради, ихтиёридаги пулларни кураш манфаатига сарфлайди, ғалаёнларда қатнашади, исёнлар ўюштиради. Хўш, нега эндигина ҳаётга мустақил қадам қўяётган 16 ёшли йигит бойликдан, фароғатдан воз кечиб, ўзини ištиробларга, машаққатлар, хавф-хатарлар қуюнига отади? Қандай қудратли куч миллионер бойваччани революция лагерига олиб келди?

Албатта, Файзулланинг кураш йўлига кириш сабабини, биринчи навбатда, унинг табиатидаги ўзига хосликдан, фавқулоддаликдан излаш керак. Қиссанинг сўнгида Райҳонбби ўғлига қарата «жонингда ўт билан туғилдинг», дейди. Худди шу иборада чиғалнинг учига ишора бордай кўринади. Бироқ, жонида ўт билан туғилишнинг ўзи инсон тақдирини белгилай олмайди. Ёзувчи буни яхши тушунади ва шу ўтнинг гуруллаб ёнишига олиб келган омилларни ҳам кўрсатади. Файзулла Бухорода эски мактабда ва мадрасада бир оз ўқигач, 1907—1912 йиллар давомида Москвада хусусий рус муаллимлари қўлида таҳсил кўради. Ота Файзулланинг Москвадаги ўқишидан кўп нарса кутган эди. Бироқ, унинг кутганига хилоф ўлароқ, ўғли «ўриспараст» бўлиб қайтади. Албатта, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. 1905 йил бўронларини бошидан кечирган Файзулла Москвада яшади, шаҳардаги Европача юксак маданиятни кўрди, ақлга мувофиқ яшаш тарзини кузатди.

Файзулла Москвадан революционер бўлиб қайтмайди. «Бизга сизнинг инқилобингиз керак эмас... Бизга сизнинг маданиятингиз керак», дейди у Шумиловга тоғасининг уйидаги суҳбатда. Унинг мурғак қалбида «ҳар бобда рус тарихини жорий қилиш» иштиёқи ҳоким. Файзулла шу йўл билан аҳволни ўзгартириш, ҳаётни яхшилаш, Бухорони ўпқондан олиб чиқиш мумкинлигига астойдил ишонади. Бироқ, у Бухорога қайтгач, бу ердаги зулматли ҳаёт билан юзма-юз келади.

ТАҚРИЗ

Файзулла нажот йўлини излаб, отасининг қуршовидаги одамларга яқинлашади. Булар нинг бири ҳазрат Шоражаб муфти Зуфунун эди. Шоражаб муфти — руҳоний, лекин, реакционер, қора фикрли, маҳдуд одам эмас. У билимлигина эмас, кўпни кўрган, доно одам, ҳаётдаги иллатларни яхши билади ва одамлар турмушини яхшилаш йўлларини ўйлайди. Муфти муайян эътиқодга эга. Унинг эътиқоди кўра, ҳаётни яхшилаш учун одамларни руҳан мукаммал қилиш керак. Руҳий камолатнинг асосий воситаси эса дин, имондир.

У бу эътиқодини Файзуллага сингдиришга ҳаракат қилади. Аслида тоат-ибодатлар, дуою илтижоларнинг «эгасиз»га етиб боришига ишонмайди, лекин Буларнинг бир бандасини ёмон ниятлардан алахситади, деб ҳисоблайди.

Шоражаб муфти билан кўп суҳбатлашган, кўп баҳслашган Файзулла секин-аста унинг ақидаларига ишона бошлайди, ҳақиқатни топгандай, нажот йўлига эришгандай бўлади. Шоражаб муфтини устоз деб биладi. Лекин у ҳали «дин» деб аталмиш олтин тизгин қайси бандасини тизгинлаши ҳақида ўйламайди, бир томонда қора халқ зулмат ичида, зулм пичоғи суягига етиб, оч-ялангоч турмуш кечираётган бўлса, бир томонда пулдорлар, бу дунёнинг зўрлари ҳузур-ҳаловатда, роҳату фароғатда яшаётган бўлса, қандай руҳий камолат ҳақида гап бўлиши мумкин, деб сўраб ўтирмайди. Шоражаб муфти эътиқодига ишонган Файзулла ҳам сидқидилдан шу йўлга киради, ҳатто шу мақсадни рўёбга чиқариш учун йигирма минг тиллони иона этади. Бироқ бу ғал ҳам унинг ишонгани рўёбга чиқади. Бандасини руҳий мукаммалликлар сари бошлайдиганлар орасида ҳамма ҳам Шоражаб муфти каби ҳалол ва тўғри эмас экан. Улар орасида Шоахсий сингари фақат ўз манфаатини ўйлайдиганлар, фаҳш ишлардан қайтмайдиганлар, ҳаромдан ҳазар қилмайдиганлар ҳам кўп экан. Шоражаб муфтининг чиройли гаплари қуруқ гаплигича қолаверади. «Сиз ожизсиз, таксир, ҳа, ожизсиз!» дейди Файзулла унга алам билан. Бу сўзлар реал ҳаёт синовларига дош беролмаган хом ҳаёл, пуч эътиқод устидан чиқарилган ҳукм эди.

Файзулланинг бундан кейинги изланишлари уни жадидлар лагерига олиб келади. Асқад Мухтор қиссада Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг бутун мураккабликларини очиб берган. Адиб Мирзомуҳиддин, Мулла Аҳад, Ҳожи Сирож, Вафо Маҳзум, Порсохўжа каби образлар орқали жадидчилик ҳаракатининг олақуроқ характерини ифодалаган. Буларнинг баъзилари газеталар ташкил қилиб, кутубхоналар очиб, маълум даражада бўлса-да, фойдали ишлар қилишга интилганлар. Лекин Порсохўжа ўхшаганлар истилоҳи мадорис, шарҳи хошиялар ҳақида гап сотишдан нарига ўтмаганлар. Аввалига уларнинг маърифат ҳақидаги гап-сўзлари Файзуллага нажот йўлидек кўринади. Разолатнинг айни зиди — маърифат йўлидир, деб ўйлайди у. Ва, куч-ғайратини шу йўлга сарфлай бошлайди. Бироқ халқ бошига битмас-туганмас кулфатлар солиб ётган амирлик тузумини ағдармасдан туриб, бунга эришиш мумкин эмас эди. Адиб бу гуруҳ вакилларини тасвирлар экан, улардан қай бир жиҳатлари билан ажралиб турувчи Хўжа Зуҳуриддин махдум образини ҳам яратган. У асли муҳрсоз, заршунос одам. Фозил, тарихдон, маърифатчи, пойи остонада мактаб тутади. У бошқа жадидларнинг ҳамма сидан кўра ҳаётга чуқурроқ қарай олади. Илтижолар, дуою хайр билан иш битмаслигини, тадбири кор керак эканлигини англаб етади. Унинг тадбири кори ҳам мавҳум тушунча эмас. Хўжа Зуҳуриддин маҳдум халқни маърифатли қилиш учун аввал тузумни ўзгартириш керак, деб ўйлайди. Аммо унинг тадбири кор ҳақидаги қарашларини бошқа жадидлар қўллаолмайди. Улар амирга илтижолар йўли билан айрим ислоҳларга эришишни маъқул кўришади. Ҳаракатдан кўрқиш, келишувчилик, халқдан узилиб қолганлик охир-оқибатда бу истилоҳчиларнинг мағлубиятини белгилайди. Амир уларнинг кўпчилигини ҳибсга олади ва шафқатсиз жазолайди. Шу тарзда Файзулланинг бу илинжи ҳам чиппакка чиқади — у бу йўл билан ҳам халққа эрк келтириш, уни зулмдан қутқариш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Қиссада Файзулланинг Бухоро жин кўчаларида ҳақиқат излаб, бундай тентираш лари унинг қалбида нечоғли кучли изтиробларга, драматик кечинмалар уйғотганини адиб ҳаққоний тасвирлайди. Бу изтироблар беҳуда кетмайди. Адиб ошкор айтмаса-да, биз шу тентирашлар давомида Файзулланинг аста-секин кўзи очилиб бораётганини, унда қандайдир янги сифатлар шаклланаётганини, унинг улғаётганини, янги эътиқодлари пайдо бўлаётганини зимдан ҳис қилиб турамиз. Бир вақтлар «бизга инқилоб керак, эмас» деган Файзулла ҳаётнинг даҳшатли зарбалари таъсирида, шафқатсиз ҳақиқат қаршисида бирдан бир нажот йўли инқилоб эканлигини ғира-шира ҳис қила бошлайди. Қисса сўнгида Файзулла юрагидаги бутун ғазабини, жамики нафратини тўкиб солиш учун амир ҳузурига боради. Назаримда, бу лавҳа қиссанинг кульминацияси бўлиши керак. Лекин ҳудди мана шу эпизод бошқа саҳифаларга қараганда сустроқ чиққандек туюлди. Бу учрашувдан кейин Файзулланинг бошида қамалиш ва қатл этиш хавфи туғилади. Уни бу хавфдан Шаҳобиддин тоғаси-ю, революцион кураш йўлига кириб, Шумиловнинг алоқачиси даражасига кўтарилган Мўминшо қутқаради. Биз қиссада Файзулланинг кейинги тақдири нима бўлганини билмаймиз. Лекин Бухоро жин кўчалари охир-оқибатда уни ҳақиқатнинг қатта йўлига олиб чиққанига ишонч билан сўнгги саҳифаларни ёпамиз.

«Бухоронинг жин кўчалари» бугунги насримизни бойитувчи асар. Бу асар ўзбек ёзувчиларининг бугунги кун учун курашган ажойиб кишилар характерига қизиқишлари сўнмаётганини, улар инсон руҳининг ички қатламларига тобора чуқурроқ кириб бораётганликларини кўрсатади.

Озод ШАРОФИДДИНОВ,
Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати.

АХБОРОТ

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Дала поликлиникаси

Косон районидаги «Партия XXII съезди» колхозида ташкил этилган дала поликлиникаси пахтакорларга намунали медицина хизмати кўрсатаётир. Мавсумий кўчма шифохонанинг терапия, стоматология ва бошқа бўлимларига тажрибали шифокорлар биркитилган.

Дала поликлиникаси намунали жиҳозланган, зарур дори-дармон ва турли медицина асбоб-ускуналари билан таъминланган. Шифокорлар пахтачилик бригадаларида тез-тез бўлиб, дала шийполарининг тозалиги, санитария ҳолатини, «Саломатлик бурчаклари»нинг вақтида янги брошюралар, дори-дармонлар билан таъминланишини назорат қилиб турадилар. Бундан ташқари улар дала меҳнаткашлари ҳузурида медицина мавзуида суҳбат ва лекциялар ўтказадилар. Ўнинчи беш йиллики меҳнат зафарлари билан муваффақиятли якунлаб, КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларини ёруғ юз билан қаршилаш мақсадида далаларда «оқ олтин»ни сўнгги мисқолларигача йиғиштириб олиш учун тер тўкиб ишлаётган пахтакорларнинг саломатликларини шифокорлар ана шундай жонқуярлик билан муҳофаза қилмоқдалар.

Н. ТОҒАЕВ,
Косон район социал таъминот бўлимининг бош инспектори.

Ҳам шифо, ҳам озуқа

Бухоро областидаги «Қарноб» қоракўлчилик совхозида ҳар йили ёз охирларида махсус бригадалар тузилиб, барханларда ўсувчи каврак йиғиштириб олинади. Қизиғи шундаки, бу ўсимликнинг шифобахш эканлиги Абу Али ибн Синонинг машҳур «Тиб қонунлари»да ҳам айтиб ўтилган.

Каврак бадбўйроқ бўлгани учун туядан бошқа жониворлар уничалик ҳушламайди. Лекин унинг гельминт (гижжа)га қарши ажойиб дори эканлигини халқ табобатини яхши билган олим ўша пайтлардаёқ аниқлаган эди. Маълумки, қоракўл қўйлар гельминтозга энг кўп чалинади. Давоси эса шундоққина ёнларида, чўл ва саҳрода экан. Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти олимлари Ибн Синонинг тавсиялари тўғри эканлигини тажрибада аниқладилар. Ҳозир уларнинг тавсияси билан каврак бошқа моддалар қўшиб, махсус донадор дорилар тайёрланмоқда. Қиш кезлари улар қўйларга берилади. Ёзда эса каврак зорларда отарларни боқиш мумкин.

Ю. ЮДИН,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти ходими.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан **Б. Пўлатов** (Наманган), **А. Жалолдинов** (Андижон), **Г. Боқиева, Ш. Маматқулова, Р. Назарий** (Хоразм), **Ҳ. Ҳамроева, М. Раҳматов** (Самарқанд) ва бошқалар ҳам редакциямизга турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

СИМ ТОШ КЕСАДИ

Магнитогорск шаҳридаги метиз саноати илмий-тадқиқот институти ходимлари маҳаллий заводдаги мутахассислар билан ҳамкорликда тошни кесиш учун сим ишлатиб кўрдилар. Ана шундай изланишлар натижасида пўлат симли арра конструкцияси ишлаб чиқилди ва уни корхоналарда қўлланиш технологияси яратилди. Эндиликда янги арра мармар қазиш ва унга ишлов беришнинг эски воситалари ўрнини эгаллаяпти.

ХОСИЯТЛИ ҚУЗИҚОРИН

Бир ҳужайрали қўзиқорининг шундай хили бор эканки, унинг ёрдамида шох-шабба, похол ва шу сингари ўсимлик хом ашёсини оқсил-углеводга бой озуқага айлантириш мумкин. Маълум бўлишича, бундай қўзиқорин целлюлозани парчалаб, қандга айлантиради. Шу йўсин ўзи ҳам ўса бориб, оқсил массаси ҳосил қилади.

Чорва моллар рационидан бундан ташқари микросув ўтлари ҳам ўрин олмоқда. Яқинда ташкил этилган Туркманистон саноат фотосинтези илмий-тадқиқот лабораториясида сув ўтларини саноат йўли билан ўстириш усуллари ишлаб чиқилмоқда.

СПИДОМЕТР ЎРНИГА РАДИОЛОКАТОР

Куйбишев шаҳридаги политехника институти олимлари автомобилларнинг ҳаракат тезлигини радиолокатор ёрдамида аниқлашни таклиф қилмоқдалар. Қизиғи шундаки, бунда спидометр миллари рақамлар билан алмаштирилиб, рангли сигнал системаси ҳам ўрнатилади. Айтайлик, тезлик соатига 60 километрга етгунча яшил, машина 60—90 километр тезликда кетаётган бўлса сариқ, 90 километрдан ошганда эса қизил чироқ ёнади. Бу янгилик шоферларга жуда қулай бўлиб, уларни машина ҳайдаётганда ҳушёрликка, тезликни меъёрдан оширмасликка ундайди.

(Марказий матбуот материаллари асосида).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.45 — Гимнастика. 10.15 — Сизга манзур шеърлар 10.45 — Ўспиринликнинг биринчи тонги. Бадиий фильм. 1-серия. 12.00— Ёшлар ҳақида қўшиқлар. 12.35 — ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Лениндан ўрганамиз. 16.35 — Рус ва совет музыкасининг танланган саҳифалари. 17.25 — Совет тасвирий санъатида тарихий революцион мавзу. 17.55 — Ҳужжатли фильм. 18.10 — Горчичлар, қасрдасим? 18.45 — Биргаликда ақлия оиламиз. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Талабларингизга биноан учрашувлар. 20.25 — Ўспиринликнинг биринчи тонги. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Ёшлар адреслари. 23.30— Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.20 — Мультфильм. 18.25 — Шоирлар — болаларга. 19.00 — Ҳаёт каби тирик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёшлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Хирмонингизга барака. 22.30 — Ўзбекистон ёзувчиларининг VIII съездига. Ҳаёт қаҳрамонлари — адабиёт қаҳрамонлари. 23.50 — Бугун оламда нима гап.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Франция тили. 20.55 — Китоб —дўстларимиз. 21.25 — Физика. 22.25 — Қалб кечирмайди. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Менинг ёшлигим. 9.35 — Комсомол ёшлигим менинг. 10.30 — В. И. Ленининг 55 томдан иборат тўла танланган асарларининг нашр этилиши муносабати билан суҳбат. 11.15 — Музикали драмалардан парчалар. 12.00 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвачилик комплекслари—давр талаби. 14.00 — Сабзавотқорлар съездоди вахтасида. 18.15 — Саломатлик — туман бойлик. 18.30 — Ёшлик. 19.25 — Н. Ҳасанов қўшиқлари. 20.15 — Композитор М. Арслонов. 21.00 — Илҳомбахш меҳнатимиз — КПСС XXVI съездига. 21.00 — К. Яшин. Ҳамза. Романдан парча. 21.30 — Пахта йиғимтерими илғорлари учун концерт. 22.30 — Ўзбек давлат телевиденияси ва радиосининг солистлари ижро этади. 23.15 — Дам олиш соатида.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПРОРАБЛАР, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ, КОЛХОЗ РАИСЛАРИ, СОВХОЗ ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг РЕСПУБЛИКА РАДИОЭШИТТИРИШ, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЗЕЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА РЕСПУБЛИКАНИНГ ҚАТОР РАЙОНЛАРИ БЎЙЛАБ МУҲИМ ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛЛАРИ ЕТКИЗИЛГАНЛИГИ ВА ИШЛАБ ТУРГАНЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

Алоқа линияларини муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ кабелнинг ҳар икки томонида 2 метрдан муҳофаза зонаси ажратилган.

Муҳофаза зонаси билан боғлиқ бўлган барча ишлар—тупроқ текислаш, траншея, шурф, котлован қазиш, шунингдек граждан биноларини қуриш—келишилган ҳолда, зарур бўлган тақдирда кабель хизмати вакили иштирокида бажарилиши керак.

АНА ШУ ҚОИДАНИ БУЗГАН ВА ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛИНИ ШИКАСТЛАНТИРИШДА АИБДОР БЎЛГАН ШАХСЛАР ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИЛАР. УЛАРДАН ДАВЛАТГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УНДИРИБ ОЛИНАДИ.

Қазиш ишларига рухсат халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари архитекторларидан олиниши керак.

Кабель трассаси ўтган жойларга темир-бетон устунчалар ва огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилган бўлиб, уларда кабель участкасининг адреси ва телефон номери кўрсатилган.

Кабель зонасида ёки унинг яқинида ер қазиш ишлари ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение узели кабель участкасига қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700097, Тошкент шаҳри—97, Чилонзор массиви, 6-квартал, 15 «а»-уй. Телефонлар: 78-37-98, 78-35-10.

СССР Алоқа министрлиги 4-Иттифоқдош магистрал алоқа ва телевидение техник узелининг кабель участкаси қуйидаги адресга жойлашган: 700152, Тошкент шаҳри—152, Чилонзор массиви, В-22, 11-уй. Телефонлар: 76-36-31, 76-36-37, 53-20-25, 53-64-14.

КЕЛИШМАСДАН ТУРИБ ҚАЗИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИЗ!

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН!

Алоқа кабель магистралига шикаст етказиш давлатга катта зарар етказади ва унда ишлаётганлар ҳаёти учун хавфлидир!

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА РАДИОЭШИТТИРИШ, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЗЕЛИ.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги

УЛУҒБЕК НОМЛИ ФАРҒОНА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1980—1981 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Рус тили ва адабиёти (миллий группа), умумий техника фанлари ва меҳнат, математика, география-биология, педагогика ва бошлангич таълим методикаси, музика ва ашула, жисмоний тарбия ва бошлангич ҳарбий таълим (фақат Совет Армияси сафидан хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади).

Тайёрлов бўлимига саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмлар тўғрисидаги йўлланмаси билан келган, ўқишга юборилиш ҳақидаги масала кўрилган нунга қадар энг камида 1 йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар, шунингдек СССР Қуролли Кучлари сафидан ҳарбий хизматни ўтатиб йўлланма билан келган ва хизмат характеристикаси бўлган ёшлар қабул қилинади.

ЭСЛАТМА: Ўқишга юборилган колхозчилар ҳар бир календарь йилининг мазкур колхоз учун белгиланган иш куналари минимумини ошириб бажарган бўлишлари лозим.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма (ташкилот бошлиғи, Совет Армияси сафидан қайтганлар учун эса ҳарбий қисм командирлари имзоси билан, ташкилотнинг гербли муҳри ва штампи билан), иш жойидан (ҳарбий қисм)дан характеристика (уч имзоли: корхона бошлиғи, партия ташкилоти секретари, маҳаллий комитет раиси тасдиқлаши ва берилган муддати кўрсатилиши лозим), ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат (колхоз) дафтарчасидан кўчирма (ташкилот бошлиғининг имзоси ва ўша ташкилот гербли муҳри), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмдаги 8 та фотосурат.

Аризалар 10 ноябргача қабул қилинади.

10 ноябрдан 24 ноябргача суҳбат, тингловчилар сафига қабул қилиш 30 ноябргача ўтказилади.

Ўқиш муддати ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 8 ой.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ойига 40 сўм стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.

Паспорт ва ҳарбий ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

Адрес: Фарғона шаҳри, Б. Усмонхўжаев кўчаси, 19-уй.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1981 йил учун

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ».
«ПРАВДА ВОСТОКА»
«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ».
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА».
«ЕШ ЛЕНИНЧИ».
«КОМСОМОЛЕЦ УЗБЕКИСТАНА».
«ЛЕНИН УЧҚУНИ».
«ПИОНЕР ВОСТОКА».
«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ САНЪАТИ».
«ГУЛИСТОН».
«ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ».
«САҲОДАТ».
«МУШТУМ».
«ГУЛХАН».
«ҒУНЧА».
«ТАШКЕНТСКАЯ НЕДЕЛЯ».

Обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида, иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/Х да Қизил яйловдаги кўк тулпорлар, 30/Х да Абу Али ибн Сино.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/Х да Республика театларининг ёш ижодкорлари конкурс голибларининг ҳисобот концерти ва ижодий учрашув, 30/Х да Олифта, 31/Х да Хўжайин.

Цирк

Тошкент давлат циркида — 29/Х дан бошлаб «ШИМПАНЗЕЛАР ЦИРКИ» аттракционининг гастроллари (19.30).

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети коллегияси ва коллективи бош ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, коллегия аъзоси А. Ю. Юсуповга ўғли

АКБАРнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; вилоятлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-86, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02332. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 249. 6